



# НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 5-НОЯБР, №44 (1241)



**ТЎЙДАН БОШИМИЗ  
ЧИҚСИН!**

**30 КИШИЛИК  
ТЎЙ 25 КУН**

## ЕТТИ ЙИЛЛИК САРГАРДОНЛИК

Давлатнинг турли идораларида сарсон бўлган фуқароларнинг деярли барчаси қанақа масалада бўлмасин албатта прокуратурага мурожаат қилади. Прокуратура органлари ҳам жисмоний ва юридик шахсларга қонунда белгиланган тартибда ёрдам бериб келмоқда.

Наманган вилоятида 2013 йилда давлат эҳтиёжи учун уйи бузилган фуқаро О.Розиков турли идораларга учраб, олиб қўйилган ерга мутаносиб равишда ер ажратишни сўраб мурожаат қилса-да, муаммоси ҳал бўлмади.

Унинг Норин тумани «Учтепа» ҚФЙ Чўжа маҳалласидаги умумий ер майдони 894 кв.метрдан иборат 4 хонали уйи Наманган вилояти ҳокимининг 2012 йил 30 майдаги 90-ф ҳамда Норин тумани ҳокимининг 2012 йил 2 июндаги 55-ф фармойишларига асосан йўл-патрул хизмати масканини қайта қуриш ва ободонлаштириш муносабати билан олиб қўйилган.

О.Розиковнинг бузилган уйи учун компенсация ундириб берилган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан 894 кв.метр ер ўрнига 600 кв.метр ер ажратиб берилган.

О.Розиков берилмай қолган 300 кв.метр ер ажратилиши сўраб, етти йил давомида турли идораларга ариза билан мурожаат қилиб келган.

Мурожаати самарасиз кетгани сабабли ниҳоят Бош прокуратурага мурожаат қилди. Норин тумани ҳокимининг 2020 йил 30 октябрдаги 854-қарори билан давлат эҳтиёжи учун О.Розиковдан олиб қўйилган ерга мутаносиб равишда, унга ажратилган 600 кв.метр ерга қўшимча равишда 300 кв.метр ер ажратилиши таъминланди.

**Ўқтамжон АКРАМОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

12-БЕТ

## ҚОНУН БУЗИЛГАН ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ ТЎХТАЙДИ

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил саналади. Шу боис аграр соҳага оид қонунлар ижроси прокуратура органларининг доимий назоратидадир. Андижон вилояти прокуратураси органлари бу борада бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

**Ғайратжон ФОЗИЛОВ,**  
Андижон вилояти прокурори

Ўтказилган 130 та текшириш ва мониторинг натижасига кўра 1220 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган. Хусусан, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 382 та протест келтирилиб, қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича 185 та тақдимнома киритилган. 351 нафар мансабдор қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган, 259 киши интизомий, маъмурий ва мод-

дий жавобгарликка тортилган. Судларга 792 млн. сўм қарзни ундириш юзасидан 33 та даъво аризаси киритилган ва 10 та жиноят иши кўзгатирилган. Шунингдек, текширишлар натижасига кўра 91 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Ердан оқиллона фойдаланиш, ер ажратишда суинистезмолчиликка йўл қўймаслик борасидаги назорат тадбирларида 998 та ҳолатда 224 гектар ердан фойдаланишда қонун бузилгани аниқланган.

Давоми 3-бетда

## ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Одамлар билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ижобий ҳал этиш борасида секторлар фаолияти амалда ўзини оқламоқда.

**Дилшод ФАЙЗИЕВ,**  
Бухоро вилояти прокурори

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, маъзур йўналишда орттирилган ижобий тажрибаларни янада такомиллаштириш ҳам бугуннинг талабидир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, иктисодиёт тармоқлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда секторларнинг ўрни бекиёсдир. Хусусан, прокурорлар секторида кўрсатилган ёрдам натижасида ижтимоий аҳоли яхшилангани сабабли 72451 та онла маҳаллий кенгашларнинг қарори асосида камбағал оилалар рўйхатидан чиқарилди.

Давоми 2-бетда



2020 йил 4 ноябрь  
соат 18:00 ҳолатига



Касалланганлар  
67 779 нафар



Соғайганлар  
65 001 нафар



Вафот этганлар  
577 нафар

# МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Навоий вилояти прокуратураси органларига 2020 йилнинг 9 оyi давомида жисмоний ва юридик шахслардан 7190 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 5963 таси прокуратура органларида ҳал қилинган, 950 таси қаноатлантирилиб, 724 кишининг ҳуқуқлари тикланган.

Масалан, Навоий шаҳридаги «Shahriyot agroeksport» МЧЖ раҳбари Х.Зариповнинг «Микрокредитбанк» амалиёт бўлими томонидан хоржий валютатадаги банк операциялари амалга оширилмаётганидан норозилиги ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилиб, жамиятнинг топшириги асосида 376 366 АҚШ доллари Қозоғистондаги «Namkorplus» МЧЖга ўтказиб берилиши таъминланган.

Вилоят прокуратураси томонидан «Раҳмат Беҳруз орзуси» фермер хўжалиги раиси Б.Раҳматовнинг балиқчилик ва паррандачиликни кенгайтириш учун банк кредит бермаётгани ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилиб, «Микрокредитбанк»нинг Қизилтепа тумани филиалидан 700 млн. сўм кредит берилиши таъминланган.

Сайёр қабулларда ҳам мурожаатлар ўрганилиб, аҳолининг муаммолари ҳал этилаётти. Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан 566 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал қилиниб, шундан 127 тасига 50,8 млрд. сўм кредит, 38 тасига 246 гектар ер ва бино олинди, 69 тасига муҳандислик тизимларига уланишида, 35 тасига рухсатнома расмийлаштирилишида ёрдам кўрсатилган. Масалан, Қармана туманида «Навоийазот» АЖ газ

кувурларини таъмирлаш давомида «Анвар Ахтамов» фермер хўжалигига қарашли ерни яроқсиз ҳолатга келтиргани ҳақидаги мурожаат кўриб чиқилиб, туман прокуратурасининг ёрдами билан фермер хўжалигининг ери жамият томонидан асл ҳолига қайтарилди.



## 566 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал қилинди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар бўйича 57 кишига интизомий

ва маъмурий иш кўзғатишган ҳамда 18 та қонунбузилишни бартараф этиш ҳақида тақдиминома киритилган.

Назорат тадбирларида мансабдорлар мурожаатларни кўриб чиқишда қонунга риоя қилмаётган ҳолатлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан чора кўрилмоқда. Масалан, Хатирчи тумани прокуратураси туман ҳокимлигида ўтказган текширишда Учтепа маҳалласида яшовчи О.Турдиевнинг уй олишига ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаати юзасидан жавоб берилмагани учун 2020 йил 30 июнда туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Қ.Фармоновга нисбатан маъмурий иш кўзғатилиб, туман маъмурий судининг 28 августдаги қарорига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдоридида жарима жазоси тайинланган.

Вилоят прокуратураси вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида ўтказган текширишда бошқарманинг бош юрисконсулти Х.Бердиев фуқаролар З.Шерхонов, Я.Бегимов, Н.Содиқовга мурожаатлари юзасидан жавоб хатини 5 кун кечиктириб юборгани сабабли унга нисбатан 29 сентябрда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилиб, хайфсан эълон қилинган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу йўналишдаги ишлар доимий назоратга олинган.

**Дилшод ФАЙЗИЕВ,**  
Навоий вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

## Тўлов нега кечиктирилди?

Тахياتош тумани прокуратураси томонидан Тахياتош тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда Санитария-эпидемиология осойишталик марказида Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани ўрганилди.

Аниқланишича, туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси П.Жумабоев зиммасига юклатилган вазифани талаб даражасида бажармаган. Хусусан, бирлашманинг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда қатнашган ходимларига сентябрь ойининг 1-санасидан 30-санасигача бўлган муддат учун иш ҳақида ҳисобланган 6 фойзлик қўшимча тўлов учун талабномани ўз вақтида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига юбормаган. Натияжада 14 кунлик ишга жалб қилинган ходимларга рағбатлантириш пули тўланмаган.

Яна бир мисол. Тахياتош тумани санитария-эпидемиология осойишталик маркази бош ҳисобчиси М.Нуқаев ҳам ўзига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажармаган. Яъни,

у ҳам Тахياتош тумани санитария-эпидемиология осойишталик марказининг коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда қатнашган ходимларининг 15-30 сентябрь кунларидаги иш ҳақида ҳисобланган 6 фойзлик қўшимча тўлов учун талабномани ўз вақтида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига юбормаган.

Шу бонс аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан ўз вазифасини лозим даражада бажармаган шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилиб, қонуний чора кўрилди.

**Абат ДЖУМАМУРАТОВ,**  
Тахياتош тумани прокурори

## ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Секторларга қўйилаётган вазифалар кўлами кундан-кунга ортаётгани эса уларнинг фаолиятини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида прокурорнинг катта ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

31 октябрь куни Бухоро шаҳрида секторлар иши учун масъул бўлган катта ёрдамчилар иштирокида Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясининг бўлиммалари билан ҳамкорликда «Пандемия шароитида ҳамда яқин истиқболда секторлар фаолиятини самарали ташкил этиш бора-бориди долзарб вазифалар» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда Президент Администрацияси ходимлари, Бош прокуратура ва унинг қўйи тузилмалари ходимлари, Бухоро вилояти ҳокимлиги, ИИБ, солиқ

идораларининг сектор котиблари, вилоят халқ қабулхонаси вакиллари, барча туман ва шаҳарларнинг 2-сектор котиблари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда аҳолини қийнаётган муаммолар билан ишлаш тизими ва секторлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, прокуратура ходимларига секторлар олдига қўйилган асосий вазифалар, sahovat.args.uz сайти билан ишлаш тартиби, секторларда «Темир дафтар», «Ёшлар дафтери» ва «Аёллар дафтари»нинг юритилиши, уларга камбағаллар, ёшлар ва аёлларни кириштириш мезонлари, жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари тушунтирилди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Улар Бухоро вилояти туман ва шаҳарлари 2-секторларида ҳам бўлиб, янги вазифаларни амалга ошириш механизми билан бевосита танишилган ҳамда тажриба алмашишди.

TADBIR

## ИМТИЁЗЛАР ЭСГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Сирдарё вилоятининг фавқулодда вазиятлар ва мудофаа ишлари бошқармалари Ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида учрашув ташкил этилди.



Ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари тинчланди. 8 та мурожаат юзасидан қонун талаблари асосида тушунтириш берилиб, 5 та мурожаат жойида ҳал этилди. Масалан, Ч.Ш.нинг уйини таъмирлаш учун кредит ажратиш ва Н.З.нинг микроқарз олиш масаласидаги мурожаати бўйича зарур ҳужжатлар «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалига юборилди.

Ёш оила сифатида уй олиш учун тавсияномага эга бўлган З.Ф.нинг Гулистон шаҳар ҳокимлигининг уй бериладиган ёш оилалар рўйхатида йўқлиги сабабли уни рўйхатга киритиш ҳақидаги мурожаати ҳам қаноатлантирилди.

Шундан сўнг сайёр қабул ўтказилиб, унда 13 нафар

**Ойбек ЮЛБАРСОВ,**  
Гулистон Ҳарбий прокурори

## КАСБИНГ ЁКИ ҲУНАРИНГ БЎЛСИН

Анджон Ҳарбий прокуратураси, вилоят Ички ишлар бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги ҳамкорлигида шаҳар ва туман ёшлари билан учрашув ўтказилди.

Икки юздан ортиқ киши иштирокида Ҳарбий қисмда ташкил этилган ушбу тадбирда ёшларнинг касб ё хунарга эга бўлиши, дехқончилик, чорвачилик ёки бошқа соҳада фаолият юритишига кўмаклашиш борасида тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида ёшлар иштирокида мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар мукофотланди. Ёшларга қўл жанги, кураш ва Ҳарбий техникалар кўргазмаси

намоён этилди. Шунингдек, ёшларнинг мутлолага қизиқшини ошириш мақсадида китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, вилоят маданият бошқармаси ва Фарғона гарнизони маънавият ва маърифат маркази қошидаги Ҳарбий оркестр жамоасининг куй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Дилмурод ҲАМРОЕВ,**  
Анджон Ҳарбий прокурори

# ҚОНУН БУЗИЛГАН ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ ТЎХТАЙДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Пахта экиш режалаштирилган 100,8 гектар ердан ноқонуний фойдаланилган, шундан 29 та ҳолатда 13,9 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаланган, 67 та ҳолатда 5,5 гектар майдонда ноқонуний қурилиш қилинган. Ёки ғалла экиш режалаштирилган 9 гектар майдон ўзбошимчилик билан эгаланган, 6,9 гектар ердан бошқа мақсадда фойдаланилган. Бундан ташқари, 844 та ҳолатда бошқа тоифадаги 114,3 гектар ердан ноқонуний фойдаланилган.

Мониторинг натижасига кўра 529 кишидан 186,6 гектар ер қайтарилиши ва белгиланган мақсадда фойдаланилиши таъминланган. Шунингдек, 35,5 гектар ерни қайтариш ва ноқонуний қурилишларни бартараф этиш хусусида судларга даъво аризаси киритилган. Қонунбузилишлар юзасидан 64 та ҳолатда жарима кўлланиб, 23 та ҳолатда жиноят иши кўзга тилинган. Масалан, Асака туманидаги «Шарк ҳақиқати» массиви раҳбари Ш.Аҳмадов фуқаро Б.Раҳматуллаевдан туман ҳокимлиги мансабдорлари орқали иссиқхона қуриш учун 2 гектар ер ажратиш бериш эвазига 30 000 АҚШ доллари талаб қилиб, шундан 15 000 долларини Б.Раҳматуллаевдан унинг уйда олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилинган.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқалар томонидан 183 та ҳолатда 1346,2 гектар ерни ажратишда қонун талаби бузилгани аниқланиб, ноқонуний қарорларга нисбатан 1183 та протест

келтириш орқали 1002,5 гектар ер қайтарилган. Ерга оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасига кўра вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 183 та протест келтирилган, 28 та тақдимнома киритилган, 46 нафар мансабдор оғохлантирилган. 18 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, судларга 9 та даъво аризаси киритилиб, 4 та жиноят иши кўзга тилинган.

Соҳанинг ривожини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сув ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 12 та текшириш натижасига кўра 11 та ноқонуний қарорга нисбатан протест келтирилиб, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 227 та тақдимнома киритилган. 33 нафар мансабдор қонун бузилишига йўл қўймастик ҳақида оғохлантирилган, 56 киши маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилган. 2 та жиноят иши кўзга тилинган ҳамда 6 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланган. Масалан, «Хокан автоинвест» масъулияти чекланган жамияти мансабдорлари Олтинқул туманидаги ПД-2 (ПК22+50) хўжаликларида коллекторда бажарилган 347 млн. 241 минг 507 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларига 59 млн. 106 минг 99 сўмлик, Асака туманидаги «Қипчоқ» (23+50) хўжаликларида коллекторда бажарилган 410 млн. 156 минг 563 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларига 6 млн. 186 минг 116 сўмлик ишларни қўшиб ёзиб, жами 65 млн. 292 минг 215 сўм пулни талон-торож қилган. МЧЖ раҳбари О.Мадазимов Ан-



дидон туманидаги 2 та селхона объектида ҳам бажарилмаган 148 млн. 566 минг 543 сўмлик ишларни қўшиб ёзиб, жуда кўп микдордаги маблағни талон-торож қилгани аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзга тилинган.

Вилоятда 2020 йилги мавсумда сув танқислигининг таъсирини юмшатиш чоралари қўрилган. 11 та қудуқ таъмирланиб, 280 гектардан зиёд пахтазорнинг сув таъминоти яхшилانган. Шунингдек, битта электр трансформатори ўрнатилиб, сув насоси ишга туширилиши натижасида Пахтаобод тумани Маданият массивидаги «Ойшахоним Одинахон» фермер хўжалигининг 22 гектар ерига сув чиқарилган.

Вилоят прокуратураси органлари дехкон ва фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар ижросини ҳам назорат қилиб бормоқда. Вилоят прокуратураси органларининг ёрдами билан уларга 1221 гектар ер, 127 тонна минерал ўғит, 1797 тонна ёнилғи, 122 тонна уруғлик

чигит, 63 тонна уруғлик бугдой, 16 қути ипак курти, 19 тонна омихта ем, 65 та техника, 142 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, банклардан 4 млрд. 159 млн. сўм кредит, 808 млн. сўм нақд пул, 2 млрд. 680 млн. сўм иш ҳақи олиб берилган ва 697 млн. сўмлик қарзи ундирилган бўлса, 5 та фермер хўжалиги ташкил этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши таъминланган.

Соҳада ўтказилган текшириш натижаларига кўра 6 та ноқонуний ҳужжатга нисбатан протест келтирилган, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 2 та тақдимнома киритилган, 3 нафар мансабдор интизомий жавобгарликка тортилган.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят қишлоқ хўжалигида ютуқларга эришиш билан бирга қонун бузилишига ҳам йўл қўйилмоқда. Аммо бу каби қинғирликлар ҳуқуқни муҳофизат қилувчи органларнинг назаридан четда қолмайди. Чунки қонун бузилган жойда тараққиёт ҳам тўхтайдми.

МОНИАТ

## БУЮК ШОИР ИЖОДИГА ЭҲТИРОМ

**Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди – тамомила ибрат. Ҳазратнинг бебаҳо ижодий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида салмоқли ўринга эга. Давлат юритиш, халқни бошқаришда ҳам Навоий юксак иқтидор, беназир дипломатия билан иш тутиб, мамлакатдаги барқарорлигини сақлашга, галаёнларнинг олдини олишга бемисл ҳисса қўшган. Райят оқсоқчилиги учун ўз ҳаловатидан кўп бора воз кечган.**

### Ё КАЪБА ЗИЁРАТИ, Ё ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ...

Тарихчи Хондамирнинг маълумот беришича, Навоий уч марта ҳажга отланади, аммо Ҳусайн Бойқаро ва ўғиллари ўртасидаги ихтилофлар туфайли муқаддас сафар ҳар гал орта сурилаверади. Бутун қалби билан Каъбага интилса-да, шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги тахт талашилар мамлакатнинг сийсий ахлитлигига зарба бериб, элни қонга ботириши, навқирон йигитларни тутдек тўкишини ўйлаб Навоий энг катта орасини қурбон қилади. Ҳусайн Бойқаро ва ўғилларининг орасини яхшилашда ниҳоятда нозиклик, эҳтиёткорлик, нуқтадонлик билан иш тутди ва ҳар гал тарафларни сулҳга кўндирди. Бундай фидоийликдан ташқари, Навоий ўз ҳисобидан қурдирган кўпплаб мадраса, шифохона, қироатхона, ҳаммом, хонақоҳ, масжид ва кўприклар халқ қорига ярайди. Қиш кунлари улашилган пўстин, қалпоқ, чориклар, қозонлар тўлиб пилган оғдатлар камбағалларнинг

жонига ора қиради. Санаб адоғига етиб бўлмас бу каби хайрли амаллари туфайли буюк бобомиз йўқсиларга ёрдам қўлини чўзмақ Каъба вайрон бўлса обод этиш билан баробарлигини тўла исботлаган.

### ШУ КУНЛАРДА...

Юртимизда Навоий ижоди ва сиймосига эҳтиром янғича мазмун-моҳият касб этиб бормоқда. Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий кафолати бўлди. Қарорда Навоий таваллудининг 580 йиллигини юксак савияда нишонлаш билан бирга ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташкил этилиши белгиланди.

Меҳнат қилган рағбат топади, албатта. Хусусан, меҳнатда алоҳида ютуқларга эришган,

ибрат қўрсатган фидоий ватандошларимиз мамлакатимизнинг турли орден ва медаллари билан тақдирланиб келмоқда. Президент қарори билан Алишер Навоий номидаги орденинг таъсис этилаётгани яна бир қувончли муҳаббат бўлди. Мазкур орден билан Навоийнинг ижодини чўқур ўрганиши, оммалаштиришига улкан ҳисса қўшган юрtdошларимиз ва хорижликлар, илмий ва ижодий муассасалар муқофотланади.

– Навоий ижодини қанча ўргансак, ёшлар қалбига унинг асарларида илгари сурилган ғояларни қанча чўқур сингдирсак, маънавиятимиз шунча юксалади, – дейди **Ўзбекистон миллий университети профессори Муҳаббат Қурбанова**. – Президентнинг мазкур қароридида Алишер Навоий асарларини улуғсиз ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда 2021/2022-ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйиш, Ўзбекистон миллий кутубхонасида Навоий

асарлари ҳамда навоийшунослик бўйича қилинган тадқиқотларнинг электрон платформасини яратиш ҳам белгиланган. Бундай чоралар халқимизни Навоий ижодига яқинлаштиради. 2021 йилда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги ижод мактабининг ташкил этилиши ёшларнинг муносиб издощ, халқ хизматига камарбаста инсонлар бўлиб етишишига замин ҳозирлайди.

### БИР-БИРИДАН ХАЙРЛИ ВАЗИФАЛАР

Алишер Навоийнинг мақбараси Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида. Ушбу мамлакатдаги нотинчлик сабаб ҳазратнинг қабрини зиёрат қилолмаслигимиз ачинарлидир. Ҳатто бутун умрини шу улғу зотинг ҳаёти ва ижоди тадқиқотида бағишлаган навоийшунос Суййима Ғаниева ҳам урушлар туфайли Навоий мангу кўним топган мақбара томон ўталмаганини интервьюларидан бирида афсус билан ёдга олганди.

Президентимизнинг қароридида эса ҳазратнинг мақбарасини обод этиш ташаббуси илгари сурилди. Яъни, Навоий мақбарасини ободонлаштириш имконияти ўрганилади, кейинчалик у ер

обод қилинади.

Ёш авлодга Навоийни тушунтириш осон эмас, бунга педагоглар яхши билади. Қарорда ёш дастурчиларни жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобиль иловаларини яратиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани эса ана шу мураккабликлари осонлаштиради.

Умрининг ниҳоясида тартиб берган энг сўнгги асари «Маҳбул-қулуб»да Алишер Навоий 60 йиллик ҳаётини сарҳисоб эта туриб, «гоҳ нотавонлиғи», «гоҳе комронлиғи» қўргани, «басе иссиғи, соғуғи», «аччиғ, чучуқ тоғгани»ни баён қилади, ҳаёт ҳақидаги хулосаларини жуда ёрқин тасвирлайди. Бу дунёнинг бевафолиги, ҳамма нарса ўткинчи, фақат ахшиликнинг умри боқийлиги, илмнинг қадри абадийлигини ўқитиб кетади. Дарҳақиқат, инсонни коммуналликка етакловчи куч ҳам, давлат ва жамият тараққиёти ҳам илм ва маърифат биландир. Навоий ижоди бизни ана шундай юксак мақсадлар сари илҳомлантиради, маънавий қудрат барш этади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,  
«Нуқул»

2 ноябрь куни Бош вазир Абдулла Арипов Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Роман Скляр бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



## ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Одамлар ҳаётидаги яхши ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун кўриши керак. Халқимизнинг эҳтиёжини қондириш, одамларни рози қилиш йўлидаги ишлар айнан ана шундай эзгу ғоялар асосида олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида прокурорлар секторларида аҳолини қийнаётган масалаларга ечим топиш борасида бир қанча ишлар қилинди. Карантин жорий этилгунга қадар 32595 та ижтимоий ва бошқа объект ўрганилиб, аниқланган 6936 та муаммо бартараф қилинди.

Коронавирус пандемияси бошланган пайтдан прокурорлар секторларида 149 911 та эҳтиёжманд оила рўйхатга олинган бўлиб, уларга «Саховат ва кўмак» ҳаракати доирасида мунтазам ёрдам кўрсатилаётти. Масалан, камбағал оилаларга 7 млрд. сўмлик озиқ-овқат, 380 млн. сўмлик дори-дармон, 6,6 млрд. сўм пул маблағлари, 12,9 млрд. сўмлик чорва тарқатилди, 3 мингдан зиёд ихчам иссиқхона куриб берилди.

Бундан ташқари, турли соҳаларда 120 мингдан зиёд эҳтиёжманд оила вакиллари бандлиги таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва мувофиқ камбағал оилаларга 158,5 млрд. сўмлик бир марталик ёрдам пули тарқатилди.

Бугунги кунда прокурорлар секторларидаги эҳтиёжмандлар рўйхатида турган 89 293 та оила кўллаб-қувватланмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, секторлар фаолиятини Бош прокурор хузурида видеоконференцалока режимида мунтазам муҳокама этиб бориш йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган даврида шундай муҳокама 5 марта ўтказилди.

Бош прокуратура томонидан прокурор секторларида эҳтиёжманд оилаларни қўллаш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириб борилмоқда. Масалан, Чирчиқ шаҳар 2-сектор раҳбари томонидан ҳудудда хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах ва бошқа вилоятлардан хунармандлар олиб келиниб, уларга яшаш ва ишлаш учун шароит яратиб берилган. Ҳозир 100 га яқин киши улардан хунар ўрганмоқда.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси томонидан 36 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда улардан 6 таси қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Масалан, 2020 йил 14 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, химоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видеотасвирга тушириш тартиби жорий этилди. Шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш мажбурияти юқланди.

2020 йил 21 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197-модда билан ўлдирилиб, таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиб ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилишга доир жавобгарлик белгиланди.

Айни пайтда бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатида белгиланган вазифалар доирасида Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг янги лойиҳалари ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

**Алишер МАХМУДОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИМИ?

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Бош прокуратура томонидан 2020 йилнинг ўтган даврида 1849 та текшириш ўтказилиб, 9433 та прокурор назорати ҳужжати қўлланган. Уларга асосан 6083 нафар мансабдор интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. 2 млрд. 197 млн. сўмлик зарар ихтиёрий қопланган. 55 та жиноят иши кўзгатирилган ва 12699 кишининг, шу жумладан 4977 нафар боланинг ҳуқуқлари тикланган.

Жумладан, республикадаги меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари битирувчиларининг уй билан таъминланиши ўрганилди. Бу борадаги муаммолар мутасадди идоралар томонидан тўлиқ ҳал этилмаётгани аниқлиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси раҳбари ҳамда Бош вазирга ахборот берилди. Натижада мазкур муассасалар битирувчиларининг 96 нафарига турар жой ажратилишига эришилди.

Шунингдек, Зангиота туманидаги 24-воёга етмаганлар колониясида ҳамда 4 та ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида болалар қандай яшаётгани таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, улардан 8 нафарини умумий тартибда колонияга ўтказиш ва 96 нафарини ўз оилаларига қайтариш муддати келган, бироқ махсус комиссиянинг қарори билан коронавирус пандемияси даврида уларни муассасадан чиқариш тақиқланган. Карантин талаблари босқичма-босқич юмшатилаётганини инобатга олиб, болалар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тарбияланувчиларни этап қилиш ва ўз оилаларига қайтариш масалаларини Республика махсус комиссияси йиғилишида кўриб чиқиш юзасидан Бош вазирга хат жўнатилди.

Самарқанд вилояти прокуратураси таъаббуси билан жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ва узоқ вақт даволанишга муҳтожлиги боис уйда таълим олаётган болаларнинг

### Беш мингга яқин боланинг ҳуқуқлари тикланган.

соғлигини сақлаш, муносиб таълим олиши таъминлаш мақсадида уларнинг оилавий шароити ўрганилган. 1668 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, 425 нафарига дори-дармон, тиббий жиҳозлар ва ўқув қуроллари тақозиб берилган. Ушбу тажриба оммалаштирилди.

Кейинги пайтларда болалар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари камайишига эришилган. Лекин бу масалага асло локаллик билан қараб бўлмайди. Зеро, инсоннинг ҳаётдан безиб, ўз жонига қасд қилиши қатта ижтимоий фожиадир. Шунинг учун мазкур ҳолатлар таҳлил қилиниб, воёга етмаганлар орасида суицидларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликда қилинадиган ишлар режаси тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

1 июнь – Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан Зангиота туманидаги 24-воёга етмаганлар коло-

ниясида жазони ўтаётган болаларнинг аҳоли ўрганилиб, уларга бўш вақтинини самарали ўтказишлари учун спорт инвентарлари, расм чизиш буюмлари совға қилинди. Шунингдек, икки бола жиноятдан пушаймонлиги, тўғри хулоса чиқаргани ҳамда ижобий тавсифлангани инобатга олиниб, тайинланган жазони муддатидан олдин енгилроғи билан алмаштириш ҳақида судга тақдимнома киритилди. Суднинг ажримига асосан тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилиб, улар ота-оналари бағрига қайтарилди.

Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш куриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандининг келажаги ҳақида ўйламай, балоғатга етмаган кизини узатиш ёки қариндошнинг кизи бегона бўлмасин деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида қизларни ўн олти, ҳатто ундан кичик ёшда турмушга узатиб юбориш ҳоллари учрайди. Масалан, Пастдарғом туманида яшовчи У.Самандаров ва 2004 йилда туғилган С.Бахтиёрова бир-бирларини ёқтириб, учраш ҳолати юришади. Оқибатда С.Бахтиёрова хомилалар бўлиб, ўғил кўради. Бу воқеа одамлар орасида гап-сўз бўлмаслиги учун С.Бахтиёрованынг отаси Х.Мийлиев ва «Ёскижума» жоме масжиди имом-хатиби С.Абдиев кизини У.Самандаровга никоҳлаб қўйиб, бирга яшашлари учун шароит яратиб беришган. Мазкур ҳолат юзасидан У.Самандаров, Х.Мийлиев ва С.Абдиевга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Эрта турмуш куришнинг оқибати ҳуусида 3763 та тарғибот тадбири ўтказилгани натижасида 147 та шундай ҳолатнинг олди олинди.

Воёга етмаганларга оид қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги «Мақтабгача ҳамда

умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таҳлил қилиниб, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини фарзандликка олиш тартибини соддалаштириш мақсадида «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги давлат маълумотлар базасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланди.

**Абдуқаҳор МУЛЛАЖАНОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР

Мамлакатимизда инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, соғлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган тизим ташкил қилинган. Аммо иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига эътиборсизлик билан қараган ва ходимларга хавфсиз шароит яратмаган ҳолатлар кузатилмоқда.



Бинобарин, ўтган йилги 574 та бахтсиз ҳодисанинг 378 таси тадбиркорлик субъектларида юз берган.

Амалдаги қонунчиликда иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиши лозимлиги, мазкур талабни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик (МЖТКнинг 49<sup>2</sup>-моддаси) назарда тутилган. Бирок иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рия этилишини назорат қилиш механизми яратилмаган. Жумладан, иш берувчиларга фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилгани ҳақида меҳнат органлари ҳисобот тақдим этиш мажбурияти юклатилмаган. Оқибатда 2020 йилнинг 1 июлигача республикадаги 363 мингта корхона ва ташкилотдан 321,4 мингтаси ёки 90 фоизи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилмаган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича корхона ва ташкилотлар мутахассисларнинг малакасини ошириш учун етарли шароит яратилмаган. Хусусан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш, ушбу соҳада илмий изланиш олиб бориш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив базани яратиш ва янгиллаб бориш вазифаси юклатилган Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази бу борада бирорта ҳам илмий изланиш олиб бормаган.

Марказнинг моддий-техник базаси талабга жавоб бермайди, компьютерларнинг 60 фоизи маъна эскирган, айримлари носоз. Корхона ва ташкилотларда иш ўринлари ҳамда меҳнат шароитини тезкор таҳлил қилиш ҳамда аттестациядан ўтказиш учун кўчма лабораториялар мавжуд эмас.

Марказ бинолари 1958 йилда қурилган бўлиб, Бирок марта ҳам таъмирланмаган. Ходимлар учун етарли шароит яратилмагани оқибатида кадрлар кўнимсизлиги сўнгги 3 йилда ўртача 50 фоизи ташкил этган.

Умуман олганда, таҳлиллар иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлиқ рия қилмаётганини кўрсатди.

Ўрганиш натижасига кўра Вазирлар Маҳкамасига таклиф билдирилди, хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Қурилиш вазирликлари, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва бошқа идоралар мутасаддиларидан иборат гуруҳ тузиб, унинг зиммасига бир ой ичда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни юклатди:

– Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг намунавий тузилмаси ва штат бирликларини қайта кўриб чиқиш. Бунда ушбу соҳада давлат-хусусий шерикчилик кўринишида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига рия қилинишини ўрганувчи субъектлар ташкил этиш масаласини ўрганиш;

– қонунчиликка тадбиркорлик субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги текширишларни ваколатли органни хабардор этиш тартибиде ўтказишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш;

– мулкчилик шаклидан қатъи назар иш берувчилар фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилгани тўғрисида ҳудудий бандлик органига ҳисобот бериш тартибини жорий этиш;

– қурилиш соҳасида жароҳатланиш ва касб касаллиги бўйича хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш учун меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизimini жорий этиш;

– қурилиш соҳасидаги қонун ҳодимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш;

– қурилишда ходимларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш борасида «Меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни муҳофаза қилиш менежменти тизими» (ISO 45001-2018) халқаро стандарти талабларини жорий этиш;

– Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази фаолиятини ўрганиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, марказнинг тўлиқ фаолият юриштишини йўлга қўйиш;

– меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги мавзусида турли танловлар, халқаро кўргазма ва семинарларни ўтказиб бориш.

Мазкур таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши фуқароларимизга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, шу жумладан, профилактик тадбирлар камрови ҳамда сифатини ошириш имконини беради.

**Абдулатиф АХМЕДОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори  
**Фарҳоджон НАЗАРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

## Корхона ва ташкилотларнинг 90 фоизи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилмаган.

363 мингта корхона, ташкилот ва муассасада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига рия этилишини назорат қилиш атиги 104 та инспектор зиммасига юклатилган. Яъни, ҳар бир инспекторга ўртача 3490 тадан назорат объекти ёки 127,6 минг ходим тўғри келиши инobatта олинса, амалда самарали давлат назоратини таъминлаш имкони йўқлиги яққол кўринади.

Жумладан, 2019 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги атиги 5397 та (1,4 фоз) объектда меҳнатни муҳофаза

Ачинарлиси, ҳозиргача қурилиш соҳаси ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш қондалари ишлаб чиқилмаган.

2017 – 2019 йилларда бахтсиз ҳодисаларнинг 361 таси қурилиш, 76 таси пахта тозалаш, 75 таси кон, 4 таси соғлиқни сақлаш, 48 таси транспорт соҳасида ва 967 таси иктисодиётнинг бошқа тармоқларида содир этилган. Бу эса текширув ўтказилмаган бошқа соҳаларда ҳам шу каби жиддий камчиликлар борлигини далолат беради.

## ҚОТИЛЛИККА ЕТАКЛАГАН ИШҚ

«Тоҳир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун» дostonларини ўқимаган ёки эшитмаган, уларнинг пок севгисига ҳавас қилмаган ёшлар бўлмаса керак. Аммо бугунги кунда антиқа ишқ қиссалари билан панжара ортига равона бўлаётган ошиқлар ҳам учраб турибди. Мана шундай мудҳиш ҳодисалардан бири Наманган вилоятида содир бўлди.

Зарина Тожиёва (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Шомурод Ҳакимов бир-бирига кўнгли қўйишди, бир умр бирга бўлишга аҳд қилишди. Бунинг учун аввало халққа тўй бериш керак. Тўй эса ўз-ўзидан бўлмайди, унга пул зарур. Шунинг учун Шомурод Россияга ишга жўнайдди.

Дастлаб ҳаммаси яхши эди. Масофа узок бўлса ҳам кўнгли яқин деганларидек, телефон орқали суҳбатлар давом этарди.

Лекин уларнинг ораси бузилиб, Зарина Шомуроднинг қўнғироқларига жавоб бермай қўйди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Яъни Шомуроднинг оила аъзолари қизнинг ёнига келиб, йиғитдан йироқ юришини, уни келин қилмаслигини айтишган эди.

Ошиқ йиғит маъшукасининг ўзгариб қолганини тушунолмаётган гарант бўларди. Тинимсиз қўнғироқлардан безган Зарина

Шомуродга уни қайтиб безовта қилмаслигини, бошқа йиғитни севиб қолганини айтади. Оғзидаги ошни олдириб қўяётганидан жаҳли чиққан Шомурод уйга қайтади. Келибок севгилиснинг бошини айлантриб олган йиғитни – Мансурни излаб топади.

Шомурод йиғитга Зарина билан аҳду паймон қилганини, Коработирга ўхшаб уларнинг орасига тушмаслигини тушунтиради.

Мансур унга танлов Заринанинг ихтиёрида эканини айтади.

Мазкур учрашувдан кейин маълум вақт ўтиб, рашқ ўтида қўяётган Шомурод Мансурнинг олдига қайтиб боради. У Заринанинг олдига бориб, масалани ойдиллик киритишни таклиф қилади. Бирок Мансур айна дамда зарур иши борлигини, у билан боролмаслигини айтади. Бу орада тортишув бошланиб, Шомурод ёнидаги йиғитга пичоқ уради. Қутилмаган зарбадан эсанқираб қолган Мансур қоцади. Шомурод уни қувиб етади ва яна кетма-кет пичоқ санчади. Шовқинни эшитиб келган одамлар амаллаб Шомуроддан пичокни олишди. Аммо Мансурнинг ҳаётини

сақлаб қола олишмайди...

2018 йил 10 декабрда мазкур ҳолатни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди Шомуродни 19 йилга озодликдан маҳрум қилган. Ҳукмдан норози бўлган Ш.Ҳакимов юқори турувчи судга апелляция тартибиде шикоят қилган. Унинг шикояти 2019 йил 18 январь кунни кўриб чиқилиб, жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

**Жаҳонгир БАЗАРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари

Бир вақтлар машҳур олим Жак Ив Кусто «Ер сайёрасини Сув сайёраси деб аташ керак» деган таклиф билан чиққан эди. Дарҳақиқат, Ернинг катта қисми, яъни 71 фоизи сув билан қопланган бўлса, 29 фоизи қуруқликдир. Бироқ ана шу сувларнинг 97 фоиздан ортиғи океан ва денгизлардаги шўр сув, фақат 3 фоизга яқинигина ичишга яроқли тоза сув эканини ёддан чиқармаслик керак.


**К**ейинги пайтларда чучук сув захираси нефтдан ҳам оддин тугаши мумкин деган фикрлар билдирилмоқда. Бу кичик ҳақиқатга яқинлигини билмадимиз, аммо баъзи жойларда сув танқислиги кўпаяётгани чин. Маълумотларга қараганда, кейинги икки юз йилда сайёрамиз аҳолиси етти баробар кўпайган, ҳар бир киши сарфлайдиган ўртача сув миқдори ривожланган мамлакатларда бир неча баробар ошган. Аммо чучук сув захираси кўпайгани йўқ. Юкориди ичишга яроқли сувнинг миқдори ҳақида тўхталган эдик. Бироқ ундан ҳам тўлиқ фойдаланиб бўлмади. Негаки, чучук сув захирасининг катта қисми асрий музликлардан иборат. Қолгани асосан ерости сувлари, дарёлар, кўллар ва булоқ сувларидир. Денгиз ва уммонлар беповон бўлса-да, суви шўрлиги сабабли истеъмолга яроқсиз. Тузлик даражаси 0,1 фоиздан ошмаган сувгина чучук, яъни истеъмолга яроқли ҳисобланади. Бундан ташқари, чучук сув манбалари Ер юзи бўйлаб бир текис тарқалмаган. Масалан, Европа ва Осиёда сайёрамиз аҳолисининг 70 фоизи истиқомат қилса-да, дарё сувларининг 39 фоизи шу худудларга тўғри келади. Шу боис кўп мамлакатларда одамлар тоза сув етишмаслигидан ёки унинг санитария талабларига жавоб бермаслигидан қийналмоқда.

#### ОРОЛ ДАРДИ – ОЛАМ ДАРДИ

XX асрда инсоният фаолияти кескин кучайиб, биосферада кўплаб калитс жараёнлар содир бўлишига олиб келди. Орол фожиаси инсон маъсулиятсизлигининг яқол намунаси бўлиб, бир авлод кўз ўнгида бир денгиз қурипти. Кейинги 40 йил мобайнида Орол денгизининг майдони етти баробар кискариди, суви эса ўн уч баробар камайди. Унинг минераллашуви бир неча ўн баробар ошгани сабабли денгизда жонли организмлар учун ноқулай муҳит вужудга келди. Натижада денгиз флора ва фаунасининг барча тури йўқ бўлиб кетди. Оролбўйи худудларида нафақат экологик, балки мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди.

#### ХАТАРЛИ БИР ГАП

XXI аср бошида сайёрамиз аҳолисининг 40 фоизи сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 60-65 фоизга етди. Бу жаҳондаги 80 мамлакатда яшовчи 5 миллиард киши демакдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا кўра бугунги кунда сув танқислиги нафақат Африка, Осиё, Америка, Австралия, балки аҳолиси фаровонроқ яшайдиган Европада ҳам кузатишмоқда. Бу ерда 23 миллион киши тоза сув етишмовчилигидан азият чекапти. БМТ маълумотиغا кўра айни дамда 31 давлат сув инқироzi хавфи билан тўқнаш кел-



ган. Ўзимиз ҳам бу борада мақтанолмаймиз. Жаҳон ресурслари институти эълон қилган сув тақчиллигидан азият чекаётган давлатлар рейтингига Ўзбекистон 164 давлат орасида 25-ўринни эгаллади. Мамлакатимиз кўшнлари ичида аҳолиси энг кўп, сув ресурслари энг кам давлатдир. Бизга керакли сувнинг 18 фоизигина юртимиз худудида шаклланади. Қолган 82 фоизи кўшни давлатларда шаклланиб, Амударё ва Сирдарё орқали юртимизга кириб келади. Ушбу сувнинг 85 фоизга яқини дехқончиликда ишлатилади.

2007 йилги бир анжуманда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг раҳбарлари сув муаммосини ҳал қилиш миллий хавфсизлики таъминлашдаги муҳим омил эканини таъкидлаган эди. Зеро, Марказий разведка бошқармаси (АҚШ)нинг «2025 йилгача глобал тараққиёт: ўзгараётган дунё» таҳлилномасида жуда хатарли бир гап айтилган: «Эндиги урушлар ичимлик суви учун бўлади!». Гарчи бу гап кўнгилга гулгула солса-да, ҳақиқатга яқин. Биласиз, фақат сувгина жаҳоннинг гуллаб-яшнашига, тараққиётга сабаб бўлади.

#### УЛАР ҚУРОЛЛИ

##### ТЎҚНАШУВЛАРДАГИДАН КЎП

Иккинчи жаҳон урушидан шу кунгача юз берган қуроли тўқнашувларда ҳалок бўлганлар сони сув муаммоси туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сонидан кам экан. Буларнинг ҳаммаси сув хавзаларининг ифлосланиши билан боғлиқлиги айтилмоқда. Чунки табиий сув хавзалари экологик барқарорлиқнинг бош омилдир. Сув хавзаларига тушган чикиндилар сувдан кислотадан тортиб олиб табиатга салбий таъсир кўрсатиши, яъни биологик барқарорлиқни издан чиқариши аниқланган. Шунингдек, океан, денгиз ва дарёларга атом электр станциясида ишлатиб бўлинган ядровий чикиндилар, озиқ-овқат қолдиқлари, касалхона чикиндилари, нефть маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ўғитлар ва бошқа зарарли маҳсулотларнинг ташлаши сувдаги кислотадан камайтириб, ундаги фауна ва флорани йўқ қилмоқда.

БМТ эълон қилган ҳисоботга кўра денгиз ва дарёларнинг минерал ўғитлар билан ифлосланиши оқибатида жаҳон

балиқчилик саноати йилига 60 миллиард АҚШ доллари миқдорига зиён кўрмоқда. Шунинг учун ҳам БМТ тоза сув тақчиллигини бартараф этишни инсоният биринчи навбатда ҳал қилиши керак бўлган муҳим масалалардан бири деб эълон қилган.

#### БОР ЖОЙДА БОЛ АРЗОН, ЙЎҚ ЖОЙДА СУВ ҚИММАТ

Сув муаммосини ҳал қилиш нафақат эзгу иш, балки жаҳон иқтисодиёти учун истиқболдаги бизнес лойиҳалардан бири ҳамдир. Сувга эҳтиёж кучайган сари унинг нархи ҳам ошиб бормоқда. Сўнгги 50 йилда нефть нархи ўн баробар, маиший эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув нархи юз баробар, тоза сувнинг баҳоси эса минг баробар ўсди. Айни дамда сув бизнеси йилига 30-40 фоиз ривожланиб бориши натижасида «сув бойваччалари» пайдо бўлмоқда. Бу соҳа бир йилда кўрадан даромад 1 триллион доллардан ошиб кетди. Бу нефть ва фармацевтика компаниялари оладиган фойдадан 40 фоиз кўпдир.

БМТ маълумотига кўра юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи сув таъминотида санитария қондаларига амал қилинмаслиги оқибатида юзага келмоқда. Ҳар куни ривожланаётган мамлакатларда 6 минг бола шундай сув истеъмол қилгани учун ҳаётдан кўз юмапти. Хўш, бу захарли сувлар қаердан пайдо бўлмоқда? Аксарият ҳолларда бунга оқва сувларнинг зарарсизлантирилмасдан дарё ва каналларга қуйилиши сабаб бўлаяпти.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги 2910-қарори билан Молия вазирлиги ҳузурда Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирлигининг маълумот беришича, 2019 йилда жамғарма ҳисобидан ичимлик сув таъминоти ва оқва сув тизимларини яхшилаш учун 1 трлн. 735 млрд. сўм пул ажратилган. Натижада 2020 йилнинг 1 январиди республика аҳолисининг тоза сув билан таъминланиш даражаси 68 фоиздан 70 фоизга етказилган.

2020 йилги харажатлар эвазига эса 650 мингдан ортиқ аҳолини марказ-

лашган ичимлик суви таъминоти билан қамраб олиш ва таъминланганлик даражасини 72 фоизга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, 75 мингдан ортиқ аҳолини канализация хизмати билан таъминлашга эришиш кутилаётган эди. Қўшимча қилишларича, 2019-2020-йилларда Ўзбекистон тарихида илк бор давлат бюджети ҳисобидан Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш учун йирик лойиҳалар амалга оширилаётган экан.

#### ХОВУЗ УЧУНИ ЙЎҚ ЭКАН, ДОМЛАРГА...

Афсуски, Қарши шаҳри мисолида лойиҳаларнинг натижаси сезилмаяпти. 2020 йилнинг 4 июнь куни ховузимида сувнинг охири кўриниб қолган экан. Қарши шаҳар «Сувоқава»нинг собиқ бошлиғи Улуғбек Авазовга учрашиб, дардимни айтдим. У «Кўп қаватли уйларга ҳар куни сув бермасам бўлмайди, канализациялари сасиб кетаяпти, маҳаллангизга сув беролмайман» деб гапимни чўрт кесди.

Унинг бу гапи мени хайратлантирди. Ахир ичимлик суви дунё бўйича муаммо бўлиб турган, бундан кейинги урушлар ичимлик суви учун бўлади дейилаётган бир пайтда уни канализацияга окитиш увол эмасми? Нима учун бу масалани ҳал қилиш юқори доираларда ўйлаб кўрилмади? Қарши шаҳрига ичимлик суви Китоб, Шахрисабз ва Яққабог туманларидан қанча харажатлар эвазига 130-140 километр узоқликдан қувурда олиб келинади. Йўлда қанча одамлар уни тешиб дехқончилик қилади ва ҳатто ховуз қилиб, балиқ урчиқадиганлар ҳам бор экан. Сув ирофининг назорати билан қамдан-қам ҳоллардагина шугулланилади. Кейинги 4-5 йилда шахримизда ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилди. Бу эса маҳаллаларда яшаётган аҳолининг сув муаммосидан янада кўпроқ қийналишига олиб келмоқда. Шаҳарда ўн олти қаватли ситилар қурилаяпти. Уларнинг канализациясига ҳам ичимлик суви берилса, маҳаллаларда яшаётган аҳоли ичимлик суви келишидан умид қилмаса ҳам бўлар экан-да.

Бизнингча, ҳар бир кўп қаватли уйнинг ёнидан артезиан қудуқ қазиб, канализацияни ана шу сувга улаш керак. Ёки канализациялар учун бошқа техник сувлардан фойдаланиш, оқва сувларни тозалаш, канализация учун ишлатиш даркор. Бу вилоят ва Қарши шаҳар хокимлари ҳамда бошқа мутасаддилар тез орада ҳал қилиши лозим бўлган биринчи даражали вазифа бўлмоғи лозим.

Менимча, ичимлик суви биргина Қаршида эмас, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам канализацияга окитилса керак. Агар шундай бўлса, бу ўтaketган ноқўрлик, халқимиз насибасига хиёнатдан бошқа нарсасиз.

Тилимизда «сувтекин» деган ибора бор. Энг кадрсиз, текиндан ҳам текин нарсасиз нисбатан ишлатилади. Бироқ ҳаётимизда сув асло текин ё кадрсиз нарсасиз эмас. Балки энг бебаҳо неъмат.

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси биноси олдида Фарходга ҳайкал ўрнатилибди. Унда Фарход тошларни кўпориб, зилот сув чиқараётгани тасвирланган. Ҳайкал ўрнатилгани яхши. Аммо бу билан Қарши шаҳридаги энг катта муаммо – тоза сув таъминоти масаласи ҳал бўлармикан? Ариқларда сув оқармикан, одамлар пул чағаллаб, сувташир машина келишини кутишдан қутулармикан? Сиз нима дейсиз, мухтарам газетхонлар, сиз-чи, шахримиз аҳолиси?

Нобўта ГОЗИЕВ,  
«Нидо»



# ҚОИДАБУЗАРЛИКНИНГ ЗАМОНАСИ ЙЎҚ

«Нидиқ» газетасининг 2020 йил 29 октябрь кунги сонида чоп этилган «Фожиаи рақамлар қачон камайди?» сарлавхали мақолада юртимизда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиб бораётгани ҳақида фикр билдирилган. Дарҳақиқат, бундай ҳодисалардан кўп инсонлар, шу жумладан, диндошларимиз ҳам жабр кўрмоқда.

Мақолада ҳалокатларнинг молдини олиш борасида бир неча фикр берилган. Мақола муаллифи Камолддин Аскаронинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати одобларига риоя қилиш ҳам диний бурчлардан биридир. Йўл қондаларига риоя қилиб, бировларнинг ҳаётига ҳавф солмасликнинг ҳам ажри бор.

Аммо бу қондаларга айрим диндошларимиз ҳам риоя қилмаётганининг гувоҳи бўлаёмиз. Хусусан, жамоат намозларини ўқиш учун масжидга келган баъзи намозхонлар автомашиналарини йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаган ҳолда, бошқаларга ҳалокат қиладиган даражада қўйиб қўяди. Ахир йўлда кўпчиликнинг ҳақки бор. Афсуски, бундай ҳолатларга кўпгина масжидлар атрофида гувоҳ бўлаёмиз. Айниқса, жума намози ўқилмайдиган пайтда республикамиздаги аксарият масжидларнинг атрофидаги кўчаларда тирбандликлар вужудга келади. Уларни тартибга солиш учун бир неча йўл патрул ходимлари оворан сарсон.

Хатто, тўрт мучаси соғ бўлган ёш йигитлар ҳам масжиднинг эшигигача машинада келиб, йўлнинг катнов қисмига ҳеч иккиланмай уловини қўяди. Уларнинг бу ҳаракатлари бир беморга тез ёрдам, бир ёнгинага кўмак кечиктишига сабаб бўлиши мумкин-ку. Бунинг гуноҳи эса истаб келган савобимиздан кам бўлмаса керак.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, машинани узоқроқда қолдириб, намозга пиёда келса, бунинг савоби ортқ бўлади. Масжидга пиёда келаётганларнинг ҳар бир қадамига фаришталар савоб ёзар экан. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «Биринчи қадами билан ўтган гуноҳларига мағфират бўлади, иккинчи қадами билан Аллоҳнинг ҳузурини мартабаси юқори бўлади», деган ваъдалари бор. Шунини эътибордан четда қолдирмайлик.

Қуръони карим ва ҳадисларда бу борада бир қанча кўрсатмалар мавжуд. Уламоларимиз уларни

турли мавзулардаги китобларида, хусусан, исломий одобга доир асарларида алоҳида баён қилишган.

Йўл ҳаракати доир исломий ҳукм ва одобларга тўхталишдан аввал бу мавзуга доир айрим тушунчаларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Яъни жон муҳофазаси. Ислолда ноҳақ кон тўқиш, бировга ноҳақ жисмоний ёки руҳий зарар етказишнинг ҳар қандай кўриниши ҳаром қилинган ва ушбу жиноятга қўл урган кишиларга нисбатан керакли чоралар кўрилади. Шунингдек, шахс ўзининг жисми ёки руҳига зулм қилиши, зарар етказиши ҳам мумкин эмас. Яна бири – ақл муҳофазаси. Шу боис ислолда ақлга зарар етказадиган, унинг фаолиятини чеклайдиган таом, ичимлик ва бошқалар ҳаром қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳаёти давомида ўша вақт ва шароитга керак бўлган йўл тартибларини жорий қилган. Сафарлар асносида биров жойга қўйилганда ҳам бошқа йўловчиларга ҳалокат бермаслик чоралари кўрилган.

Ислол фикри – ҳуқуқшунослигида йўл ҳаракати доир масалалар қадимдан айтиб келинган. Йўлнинг кенглиги қанча бўлиши кераклиги, улов ва кема минган кишининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улов ёки кемалар тўқнашуви натижасида юзага келган муаммолар – барча-барчаси Куръон оятлари ва ҳадислар асосида, уларда келган хусусий ва умумий қондалардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинган. Хусусан, Аллоҳ таоло Куръони каримнинг бир неча оятида ерни инсонлар учун ёйиб қўйганини, унда йўллар барпо қилганини алоҳида эслатади. Дарҳақиқат, агар Аллоҳ ерни юришига мос қилиб тўшамасдан, фақат тоғу тошлардан, жарлик ва дарёлардан иборат қилиб қўйганида, биз ожиз бандалар нима ҳам қила олардик?!

Аллоҳ Зухруф сурасида шундай марҳамат қилади: «Ўша зот сизлар учун ерни бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва (сафарлар-

да) йўл топишингиз учун унда (ерда) йўлларни (пайдо) қилди» (10-оят). Нух сурасида ҳам худди шу маъно таъкидланган: «Аллоҳ ерни сиз учун тўшак қилди, токи ундаги кенг йўлларда юргайсизлар». (19-20-оятлар). Аллоҳ таоло ўз каломида ушбу неъматдан унумли фойдаланишга, йўл юриб, сайр қилишга тарғиб ҳам қилган: «У (Аллоҳ) сизларга ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у(ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки дехқончилик қилиб) юраврингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузурингиздир». (Мулк сурасининг 15-оят). «Айтинг: «Ерни сайр қилиб (айланиб) чиқингиз. Сўнгра (пайғамбарин) ёлғончиға чиқарганларнинг (охир-)окибати не бўлганини кўрингиз!». (Анъом сурасининг 11-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида йўлнинг ҳам инсонлар зиммасида ҳақи борлигини айтган ва «Йўлга ўз ҳақини беринглар!» дея амр қилган. Йўл четда уй қурмакли бўлганларга йўл учун керакли бўлган миқдорда ораликни сақлашни буюрган. Йўловчиларнинг ҳақини эътиборга олиб, йўл ўртасида намоз ўқишдан қайтарган.

Ҳадисларда йўлнинг одоб ва ҳукмлари, пиёда ва уловда юриши доир таълимот шунчалар мукамал баён қилинганки, улар орадан ўн тўрт аср ўтиб ҳам ўз қийматини заррача йўқотгани йўқ, балки борган сари аҳамияти ортиб бормоқда.

Ислол дини ўз ҳукмларини жорий қилишда инсоннинг дини, жони, шаъни, ақли ва молнингн химожсини мақсад қилган. Чунки инсон яшаб турган бу дунё мазкур нарсалар устига бино қилинган бўлиб, ундаги фаровон ҳаёт ўшаларнинг тўлиқ муҳофазаси этилиши, дахлсизлиги, уларга нисбатан ҳар қандай тажовузнинг баргаравф этилиши билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, йўл ҳаракати асносида солир бўла-

диган қулфатларнинг олдини олиш, яъни ҳайдовчи, йўловчи ва пиёдаларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, автомобилларни турли талофатлардан асраш инсоннинг жонини ва молни муҳофазаси этилиши бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам йўл ҳаракати доир қондалар ишлаб чиқилган.

Демак, йўл ҳаракати қондалари умумий манфаатларни, инсон ҳаётининг эминлигини таъминлашга қаратилган. Ислол шариятининг талаби ҳам аини шу. Бугунги кунда жорий қилинган йўл ҳаракати қондалари билан танишар эканмиз, уларнинг бир қанча фикрий қондаларга, жумладан, «зарар баргаравф этилади», «зарари баргаравф этиш ва фойдани жалб қилиш», «зарар келтириш ҳам, зарарга зарар қайтариш ҳам йўқ», «жамиятнинг манфаати яқка шахснинг манфаатидан устун туради» каби шаръий қондаларга ҳамоханлигини кўраёмиз. Ушбу зарар ва манфаатлар жонга бўладими, молга бўладими, фарқи йўқ. Бу борада асосий далил расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси бўлиб, у ислол фикрида энг машҳур шаръий асослардан бирига айланган: «Зарар бериш ҳам йўқ, зарарланиш ҳам йўқ».

Йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмаган киши аввало ўзининг жону молни хатарга қўйган бўлади. Бу эса ислол динида ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилувишларни яқин кўради» (Бақара сурасининг 195-оят). Қолаверса, бошқаларнинг ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солган бўлади, тажовуз этишга кадам қўйган бўлади.

Мана шу маънолардан келиб чиқиб, ислол фикри уламолари йўл ҳаракати қондалари шариятининг талаб ва мақсадларига ҳизмат қилишини, уларга ҳамохан эканини таъкидлайди ва уларга ҳаёт мумкин ҳар қанча шарият нуқтаи назаридан вожиб, уларни бузиш мумкин эмас, дейди. Шунга кўра мазкур қондаларга ҳилоф иш тутғиш йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаслиқина эмас,

балки вожибни тарқ қилиш, мусулмонларга зарар келтириш, одамларнинг ҳаётини таҳликага қўйиш жиҳатидан улкан гуноҳ ҳамдир.

Йўл ҳаракати қондаларини бузиш кўпчиликка зарар етиши ҳавфи борлиги сабабидан мумкин эмас. Зеро, ислол фикрида «зарари баргаравф этиш фойдани жалб қилишдан олдин қўйилади» ва «жамиятнинг манфаати яқка шахснинг манфаатидан устун туради» дейилади.

Йўл омманинг мулки, унда бошқаларга зарар етказиш уларнинг ҳақини поймол қилишдир. Бировларга зиён етказиш жоиз бўлмагани каби, зиёнга олиб борадиган ишга қўл уриш ҳам мумкин эмас.

Ислолда ҳар бир инсон тўла ҳур, эркин ҳисобланади. Фақат бу эрк бошқаларнинг эрки ва ҳуқуқи чегарасида адолат чизиги билан чекланади. Шунга кўра йўлдан фойдаланиш бир тарафдан ҳар қимнинг ҳақки бўлса-да, иккинчи томондан бошқаларнинг ҳақки ҳисобига маълум даражада чекланади. Ушбу чеклов олдига йўл ҳаракати қондалари ва одобларида акс этади. Бинобарин, мазкур қондаларга риоя қилмаслик бошқаларнинг ҳақига тажовуз ҳисобланади.

Динимизда йўл юриш мубоҳ амаллардандир. Агар йўлга отланган киши йўлнинг ҳақларига, жумладан, йўл ҳаракати қондаларига, одоб ҳукмларига ихлос билан амал қилса, йўл юриш нафақат мубоҳ амал, балки кўплаб савобларга сабаб бўлувчи ибодат даражасига кўтарилади. Уларга риоя қилинмайдиган бўлса, бузилган меъёرنинг даражасига кўра йўл юриш макруҳ ёки ҳаром бўлади.

Пиёда бўлсин, уловда бўлсин, ҳар бир мусулмон ўзи яшаб турган жамиятдаги кўпчилик томонидан қабул қилинган йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиши лозим. Чунки улар инсон ҳаёти, саломатлигини ҳавфсизлигини учун жорий этилган. Ислол шариятининг мақсадларидан бири ҳам айнан ушбу ҳавфсизликдир.

**Баҳодир МУҲАММАДИЕВ,**  
Йўнусобод туманидаги  
«Кулолқўрғон» жоме масжиди  
имом ноиб



## FAOLIYATIDAN

# ХОРИЖГА ИШГА ЮБОРАМАН ДЕБ...

Меҳнат инсоннинг қадрини оширади, ҳаётининг мазмунини белгилайди.

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва шу орқали турмушини яхшилаш мақсадида «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, 2018 йилдан бошлаб ана шундай агентликлар фаолият юрита бошлаган.

Лекин ўтган даврда айрим агентликларнинг мансабдорлари уларга мурожаат қилган фуқароларнинг пулини фирибгарлик билан ўзлаштирган ҳолатлар ҳам кузатилди. Департамент органлари 2020 йилнинг ўтган даврида 3 та шундай жиноятни фош этди.

Хусусан, фуқаро Б.С. Тошкент шаҳар Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган «Recruit consulting work xususiy bandlik agentligi» МЧЖ томонидан берилган, мuddати ўтган ишончнома асосида Фарғона шаҳар Ватан равнақи кўчаси 6-уйда МЧЖнинг агенти сифатида фаолият юритиб, аризачини Литвага ишга жўнатишни ваъда қилган ҳолда 15 млн. 350 минг сўм пул олган ва яна 12,6 млн. сўм пул талаб қилган. Департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси фуқаро О.М. ва бошқаларнинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда у сўралган маблағни ўз хизмат хонасида олган вақтида ушланган. У фаолият юритган офисдан 5 нафар фуқаронинг паспорти, 2 та диплом, 1 та меҳнат дафтarchаси, фуқароларни чет элга ишга жўнатиш билан боғлиқ бир қанча шартномалар

ва бошқа ҳужжатлар ашёвий далил тариқасида олинган.

Мазкур ҳолат бўйича олиб борилган терговга қадар текширувда «Fergana grand consalting travell» МЧЖ раҳбари Б.С. ва бошқалар тил бириктириб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 4 январдаги 0015-лицензиясига эга бўлган «Recruit consulting work xususiy bandlik agentligi» МЧЖнинг мuddати ўтган ишончномаси асосида фуқароларга ўзини мазкур жамиятнинг Фарғона филиали агенти сифатида таништирган ҳолда 15 кишини Литвага ишга жўнатишга ишонтириб, фирибгарлик билан 157 млн. 850 минг сўм ва 8260 АҚШ долларини қўлга киритиб, пулни шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборгани аниқланган.

Ушбу ҳолат бўйича департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан Б.С. ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўзатилган.

Шунингдек, фуқаро Д.Т.нинг мурожаати асосида ўтказилган терговга қадар текширувда фуқаро У.Т. экскурсия хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ўзини Тошкент шаҳридаги «Work in world» хусусий бандлик агентлиги Бешарик тумани филиали раҳбари деб таништириб, Д.Т.дан фирибгарлик билан 2400 АҚШ доллари олиб, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича департамент-

нинг Бешарик тумани бўлими томонидан У.Т.га нисбатан жиноят иши кўзатилган.

Бундан ташқари, фуқаро З.А. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Қизилшарк кўчаси 25/82-уйда жойлашган «Global resources xususiy bandlik agentligi» МЧЖ томонидан берилган, мuddати ўтган ишончнома асосида Андикон вилоятида яшовчи У.И. ва А.Х. билан тил бириктириб, Фарғона шаҳар Дехқон кўчаси 6-уйда «Global-resources xususiy bandlik agentligi» хусусий корхонасини ташкил этиб, 11 кишини Германия ва бошқа давлатларга ишга юборишга, касб эгаллашнинг тўғрисида диплом ва ихтисослиги бўйича ишлагани ҳақида маълумотнома ва сугурта ҳужжатларини расмийлаштириб беришга ишонтирган. Натijaда улар билан «Global resources xususiy bandlik agentligi» МЧЖ номидан шартнома тузишга эришиб, жами 127 млн. 910 минг сўм пулни шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани аниқланган. Мазкур ҳолат бўйича департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан З.А. ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўзатилган.

Жиноят ишлари суд томонидан кўриб чиқилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Отабек АЗИМОВ,**  
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

## НОҚОНУНИЙ ИШ ТАШВИШИ

Ҳалоллик, поклик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Аммо орамизда бундай хислатлардан узоқ кимсалар ҳам йўқ эмас.

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари ўтказган навбатдаги тадбирда Хива шаҳар Дехқон бозорида валютафуруш фуқароларнинг ноқонуний ҳаракатлари фош этилди.

Хива шаҳрида яшовчи Ж.И. ва А.И. олдидан тил бириктириб, Хива туманида яшовчи Б.Д.га 2900 АҚШ долларини 27 млн. 840 минг сўмга сотган вақтида департамент ходимлари томонидан ушланди. Тадбир давомида улардан ноқонуний муомалага киритиш учун мўлжалланган 2900 доллар ва 527 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан ушбу фуқароларга нисбатан жиноят иши кўзатилиб, қонун доирасида таъсир чоралари кўрилди.

**Нурбек РАХИМОВ,**  
департаментнинг Хива тумани бўлими бошлиғи

## ФАОЛИЯТГА ҚОНУНИЙ ТУС БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Нишон тумани бўлими томонидан тезкор тадбир ўтказилди.

Тадбирда фуқаро А.Ж. «Юксалиш» МФЙ ҳудудида белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан автомашиналарга техник хизмат кўрсатиб келаётгани аниқланди.

Фуқаро А.Ж. билан ўтказилган профилактик суҳбат ва унга кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам натижасида унинг фаолиятига қонуний тус берилиб, А.Ж.нинг тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши таъминланди.

**Дилшод ЖАЛИЛОВ,**  
департаментнинг Нишон тумани бўлими бошлиғи

## JINOYAT VA JAZO

# ШАХТАДАГИ ҲАЛОКАТ

Асад (исмлар ўзгартирилган) Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси тасарруфида бўлган Жанубий кон бошқармасига қарашли «Зармитан» конининг 2-сонли ер ости кон қазииш участкасида кон устаси бўлиб ишлайди. Азиз шу ерда участка бошлиғи ўринбосари, Камол эса муҳандис. Учаласи ҳам олий маълумотли, кўп йиллик тажрибага эга. Касбининг сир-асрорларини яхши биладиган ходимлар.

Ёзма наряд-топшириқни қабул қилиб, ишчиларни иш жойларига тақсимлаш, қовлаш жойларини кўздан кечириб, ишчиларнинг смена давомидаги ишнинг назорат қилиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, техника хавфсизлиги қондаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш — уларнинг асосий вазифалари.

Ўша куни 3-сменада ишлаётган Асад 15:00 ларда ишхонага келиб, иш кийимларини кийди. Тиббий кўриқдан ўтиб, химоя воситаси ва тунги ёриткичи олиб, 2-сонли ер ости кон қазииш участкаси бошлигининг ўринбосари Азиз, Камол

ва 3-смена ишчилари билан биргаликда смена давомида бажарилиши керак бўлган вазифалар бўйича ёзма топшириқни қабул қилиб олди. Лаҳм ўтувчилар Ганишер ва Содикқа шахтанинг 600-сағхда жойлашган блокнинг 1-қаватида пармалаш техникасида қудуқ пармалаш бўйича ёзма топшириқ берилди. Асад ер ости шахтасининг 600-сағхга тушиб, иш жойини кўздан кечирганда лаҳмчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирадиган ҳолатлар аниқланмади. Шундан сўнг Ганишер ва Содикқа пармалаш ишларини бошлашни айтиб, ўзи бошқа жойларни текширишга кетди. Азиз ва

Камол ҳам ўз юмушлари билан банд эди.

Азиз соат 19:30 ларда Ганишер ва Содикнинг олдига келганда, улар 1-қудуқни пармалаш бўлган, 2-қудуқ учун техникани тайёрлаётганди. Азиз йиғиларга пармалаш бўлгандан кейин пармалаш техникасини пастки қаватга олиб тушишини тайинлаб кетди. Бироздан сўнг, қаттиқ гўмбирлаган овоз эшитилди. Азиз шу томонга югурди, бораётиб чилангар йиғитга дуч келди. У лаҳмчилар ҳали чиқмаганини айтди. Азиз етиб келганда атроф чангиб кетган, лаҳм ўтувчиларни юқори ва ён томонларидан тушган тоғ жинслари босиб қолганди.

Уларни қутқариш имконини тополмай, шахта ичидаги хизмат телефонига югурди. Навбатчи диспетчерга қўнғироқ қилиб, ҳолат ҳақида хабар берди. 10-15 дақиқа ичида қутқарув гуруҳи ходимлари ва бошқа ишчилар етиб келишди. Ганишер билан Содик бирин-кетин олиб чиқилди. Аммо бу пайтда уларда ҳаёт аломатлари сезилмаётганди.

Суд тиббий экспертиза ҳулосасида марҳумларнинг ўлимга тоғ жинслари босиб қолиши натижасида олган оғир тан жароҳати сабаб бўлгани кўрсатилган.

Ўша куни қовлаш жойини текширган Асад у ердаги тоғ жинслари қаттиқ ҳолатда тургани учун мустаҳкамланиши шарт эмас деб ўйлади, аммо шу куни бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Суд ҳукми билан судланувчилар 2 йил қонларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, уларга 3 йил мuddатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

**Асқарбек ЮСУПОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси





## FAOLIYATIDAN

### ҚАРЗ УНДИРИЛДИ

**Термиз туманлараро иқтисодий судининг ижро варақасига асосан Термиз шаҳридаги «Хўжа-М» хусусий фирмасидан «Миллийбанк»ка 195 млн. 300 минг сўм ундириш белгиланган эди.**

Ижро ҳужжати юзасидан бюронинг Термиз шаҳар бўлими томонидан қарор қабул қилиниб, қарздор оғохлантирилди. Бироқ фирма раҳбари қарзини тўламай келди.

Шундан сўнг мажбурий ижро ҳаракатларига киришилди, фирмага тегишли юк машинаси хатланиб, 207 млн. сўм бошлангич нарх билан онлайн аукционга чиқарилди. Натижада автомашина 376 млн. 740 минг сўмга сотилди ва қарз тўлик қопланиб, ортиқча пул фирмага ўтказиб берилди.

Қарздорга нисбатан қўлланган барча чекловлар бекор қилиниб, ижро ҳужжати белгиланган тартибда тугатилди.

**Акмал ХУРСАНОВ,**  
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси инспектори

### ЕТТИ КУН ЕТДИ

**Мажбурий ижро бюросининг Пахтакор тумани бўлимида Э.Эгамбердиевдан Н.Назаровага фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд.**

Қарздорнинг мулкий ҳолатини аниқлаш мақсадида ваколатли органларга сўров юборилиб, унинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мулкки йўқлиги аниқланган. Қарздорнинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган.

Ижро ҳаракатлари давомида давлат ижрочисининг оғохлантирилшларига қарамастан Э.Эгамбердиев алимент тўламагани ва тўлашдан бош тортиб келгани сабабли у Зафаробод тумани маъмурий судининг 2020 йил 6 октябрдаги қарори билан 15 суткага камалган. Шундан сўнг орадан 7 кун ўтиб қарздорнинг яқинлари алиментни Н.Назаровага нақд пулда тўлаб берди.

**Алишер ШАКИРОВ,**  
МИБ Пахтакор тумани бўлими бошлиғи

# ИЖРО ҲУЖЖАТИ МЕДИАЦИЯ АСОСИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

2018 йил 3 июлдаги «Медияция тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, медиация низони тарафларнинг розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули ҳисобланади. Медиация тарафларнинг хоҳиши асосида суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2019 йил 1 апрелдан суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилди.

Қонун нормаси биринчи марта бюронинг Бухоро шаҳар бўлимидаги ижро ҳужжатига нисбатан татбиқ этилди.

Бўлимга фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 2019 йил 29 июлдаги «Grand Buxara agro» масъулияти чекланган жамиятидан «Асака» банкнинг Бухоро вилояти филиалига 18 млрд. 792 млн. сўмдан ошқроқ қарзини ундириш, ундирувни гаровга қўйилган дўкон ва дорихона бинолари, «Lacetti» автомашинаси, умумий майдони 29 477,69 м<sup>2</sup> бўлган иссиқхона ва 10 млн. сўмлик сугурта полисига қаратиш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушди. Мажбурий ижро ҳаракатлари

давомида қайд этилган мулклар хатланиб, баҳоланди ва «E-ijro aukcion» электрон савдо майдончаси орқали савдога чиқарилди.

«Grand Buxara agro» «Antaliya green hose» масъулияти чекланган жамиятига ушбу мулкларни сотишга келишган. Ижро ҳужжати асосан «Асака» банкига 18,7 млрд. сўм қарзини ундириш тўғрисида профессионал медиатор иштирокида медиация келишуви имзолашиб, бюронинг Бухоро шаҳар бўлими ва «Асака» банкнинг Бухоро вилояти филиалига тақдим этилди. Шунга кўра ижро ҳужжати тугатилди.

**Ўткиржон ХАЙРУЛЛАЕВ,**  
МИБ Бухоро шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

## БАНК ХОДИМЛАРИ ИЖРОГА ҚАРШИЛИК ҚИЛИШДИ

**Булоқбоши тумани давлат солиқ инспекциясининг 86 та ижро ҳужжати бўйича тумандаги 86 та фермер хўжалигидан 900 млн. 170 минг сўм солиқ қарзини ундириш белгиланган.**

Шундан 81 та фермер хўжалигининг «Кўргонтёпа дон маҳсулотлари» АЖдан 3 млрд. 500 млн. сўм дебитор қарзи бор. Ана шу қарзни дебитор қарз ҳисобидан ундириш мақсадида МИБ Булоқбоши тумани бўлими «Кўргонтёпа дон маҳсулотлари» АЖнинг ҳисобрақамларини хатлаш далолатномасига имзо қўйишни сўраган. «Агробанк»нинг Кўргонтёпа филиали масъулари эса имзо қўйишдан бош тортиб, ижрога қаршилиқ қилган. Бу билан улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган. Шунга кўра уларга 5 млн. 575 минг сўм жарима солинган.

Тошкент ёғ-мой комбинатидан давлатга 202 млн. 126 минг. 955 сўм солиқ қарзини ундириш ҳақидаги ижро иши бюронинг Яшнобод тумани бўлимига 14 октябрда келиб тушган бўлиб, давлат ижрочиси томонидан шу кунга ишга киришилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли барча ҳисобварақлар аниқланиб, қарздорнинг низомидан нусха олиниб, унинг барча мулкларига банд солинди. Ушбу мулкларни сотиш чоралари кўрилаётганда қарздор 202 млн. 126 минг 955 сўм солиқни тўлик тўлади ва ижро ҳужжати тамомланди.

**Бобомурод УМАРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори

## ТАДБИРКОР ВА ФУҚАРО МАНФААТИ УЧУН

**Мажбурий ижро бюросининг Юнусобод тумани бўлимида Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 2020 йил 24 июлдаги ижро варақасига асосан «Eler new energy power AG» корхонасидан «Optovik uni trade» масъулияти чекланган жамиятига 66683,43 АҚШ доллари ва 4 млн. 993 минг 632 сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд.**

Қарздор қонун асосида берилган муддатда қарзини тўламади. Оқибатда мажбурий ижро ҳаракатларига киририлиб, қарздорга тегишли «Mercedes benz AMG» русумли автомашина хатлангандан сўнг қарз тўлик тўланди.

Шунингдек, бўлимда К.Йўлдошевдан А.Ғуломовга 42 млн. сўмдан ортиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бор эди. Қарздор қонун асосида берилган ихтиёрий муддатда қарзини тўламаган. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг уйидаги эхтиёждан ортиқ мулк хатланган, 10 октябрь куни К.Йўлдошевдан А.Ғуломовга 42 млн. сўм ундириб берилиб, ижро иши тамомланган.

**Игорь Ли,**  
МИБ Юнусобод тумани бўлими бошлиғи



## БУЗИЛГАН ОИЛА ТИКЛАНДИ

**А.Нўъмонов билан М.Нўъмонова яхши ниятда 2000 йили турмуш қуришганди. Турмуши даврида уч фарзанд дунёга келди. Ҳаётнинг айрим икки-чикирларини деб оила бир муддат айрилиқда яшади.**

Яъни фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2019 йил 22 январдаги ижро ҳужжати асосан А.Нўъмоновдан М.Нўъмоновага фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланди.

Ота ўз бурчини тўлик адо этиш мақсадида алиментни ойма-оё тўлаб келди. Вақт ўтиб яхши инсонларнинг насиҳатлари қор қилиб, эр-хотин ярашди ва бюронинг Навоий шаҳар бўлимига алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ариза берди.

Шунингдек, ота онланинг пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида кенжа ўғлига Навбахор туманидаги уйини расмийлаштириб берди.

**Гулҳаё ИСМОИЛОВА,**  
МИБ Навоий шаҳар бўлими давлат ижрочиси

## 82 МИЛЛИОН СЎМ АЛИМЕНТ ТЎЛАДИ

**Фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом тумани судининг қарори билан Э.Расуловдан Г.Қуватовга уч фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.**

Бу ҳолат бўйича МИБ Пастдарғом тумани бўлими томонидан Биҳор иши юритилган. Шу вақтга қадар Э.Расулов алимент тўламастан келаётган эди.

Бугунги шароитда муқим даромади бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари кўриломоқда. Шу жумладан, Э.Расуловга ҳам бугунги синон кунларида фарзандларини қўллаш ҳар бир отанинг бурчи экани ёниги билан тушунирилди.

Бундан тўғри хулоса чиқарган ота шу кунги фарзандлари учун 82 млн. 774 минг сўм пулни тўлаб берди.

**Парвиз Мирзо ҚОДИРОВ,**  
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

Халқаро фестивалда ўзбек мультпикатори Дмитрий Власовнинг «Ҳаёт дарёси» («Поток») анимацион фильми «Энг яхши постановкачи рассом» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

# ГАРОВСИЗ КРЕДИТ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Кейинги йилларда юртимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўп иш қилинди. Натижада ҳозирги кунда республикаимиздаги кўплаб оилавий корхоналарда ўн минглаб одамлар иш билан таъминланган. Лекин мамлакат аҳолиси йилига ярим миллион кишига кўпайиб бораётган бир шароитда ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарблигича қолаётган эди.

**Ш**у боис 2020 йил 13 октябрда Президентимизнинг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда қайд этилишича, «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажакимиз» ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида республикаимизда жами 13 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратишиб, 600 мингдан зиёд оилани қамраб олишга эришилган. Бу дастурлар аҳолининг турмушини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлмоқда.

Мазкур қарор билан энди аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши ва манфаатдорлиги оширилади. Аҳолини тадбиркорликка ўқитиш тизими жорий этилиб, бу ишга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва нодавлат таълим ташкилотлари кенг жалб қилинади. Микрокредитлаш тизими ривожлантирилади. Бундан ташқари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизим ташкил этилади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур қарор билан аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши ва манфаатдорли-

гини оширишга қаратилган чораларни амалга ошириш Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва барча бўғиндаги ҳокимликлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси эса икки ой ичида вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, турмушини яхшилашга интилиши ва манфаатдорлик хиссини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланишини таъминлайдиган бўлди. Бунда асосий эътибор муваффақиятли ёш тадбиркорлар ва тажрибали бизнесменларни жалб этишга қаратилади. Ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мазкур тадбирларни амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фол қатнашишини таъминлайди. Шунинг-



дек, қарорда Ёшлар ишлари агентлиги аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш учун видеоматериаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлайди.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати, 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб ёшлар ва аёлларни хунарга, тадбиркорликка ўқитиш учун нодавлат таълим ташкилотлари сарфлаган харажати-нинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчи-га 1 миллион сўмдан ортик бўлмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади. Курсларни муваффақиятли тамомлаган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ажратилади.

Шунингдек, «Микрокредитбанк» нодавлат таълим ташкилотларининг махсус сертификатини олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33

миллион сўмгача бўлган микрокредитни таъминотсиз ажратадиган бўлди. Бундан ташқари, микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полиси, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мулк гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача микрокредит ажратилади.

Умуман айтганда, мазкур қарор ҳар бир оиланинг барқарор даромад таъминоти эга бўлиши учун шароит яратиши йўлида катта қадам бўлиши шубҳасиз.

**Жамшид НЕЪМАТОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори



## ОҒУ ЖАБРИ

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқур қил» деган гап бежиз айтилмаган. Аслида орамизда шундай кимсалар борки, тўғри йўл қолиб эгрисини маъқул кўради.

Бундан икки йил аввал Попнинг Гузар маҳалласида яшовчи Маҳмуд Ражабов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кишлоғи четидан оқиб ўтувчи Сирдарё бўйидан ёввойи наша барглари териб олди. Қизиқиши устун келиб, уни чекиб ҳам кўрди. Шу-шу, баъзи-баъзида тортиб туришга ўрганди. Иллатга илакишиш эса ҳеч қачон хайрли бўлмаган.

Ўша кунни кўргани чўнтагида наша бор эди. Шу боис шубҳали қадам олиши ички ишлар ходимларининг эътиборини тортиди. У тўхтатилиб, кўздан кечирилганда, ёнидан наша топилди.

Жиноят ишлари бўйича Поп тумани суди мазкур қонунбузарлик учун Маҳмуд Ражабовга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

**Одилжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Поп тумани прокурорининг ўринбосари

## САНИТАРЛИККА ИШГА ЖОЙЛАМОҚЧИ БЎЛДИ...

Юлдуз 2019 йилнинг кузида турмуш ўртоғининг Чирокчи шаҳрида яшовчи қариндошлариникига борди. Туман марказида кийим-кечак дўконларини айланиб юрган вақтида Сожида исмли аёл билан танишиб қолди. Сожида гурунг орасида туғруқхонада статист бўлиб ишлашини айтди.

– Вой, қандай яхши, – деди Юлдуз. – Мен ҳам шифохонада ишлашни жудаям хоҳлайман.

– Бунинг йўли осон, – деди Сожида. – Ёрдам беришим мумкин.

– Шундай қилинг, ёрдам беринг, – деди Юлдуз хожатбарор топилганидан қувониб.

– Харажатига чидасангиз бўлди, – деди Сожида. – Ҳўш, унда гап бундай. Санитарликка ишга киришга уч юз доллар беришингиз керак. Агар яна элик кўнсангиз, навбатсиз ҳал қиламан ишингизни...

Юлдуз рози бўлди. Бироқ уйига боргач, ўйлашиб қолди...

Орадан бир неча кун ўтиб Сожида унга кўнгирик қилди:

– Пул тайёри? Олиб келинг. Бозорда учрашамиз. Рашид деган сотувчининг дўконида бўламан...

Айтилган жойда учрашишди. Сожида Юлдуздан тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига ариза ёздириб олди. Юлдуз унга ариза билан 350 АҚШ долларини ҳам берди. Сожида пулни санаб олаётган маҳали атрофда пайдо бўлган бегона кишиларни кўриб

довдираб қолди. Боягина буррогина бўлиб турган тили ҳеч гапга қовушмасди. Юлдуз ўз вақтида оғохлантирган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари Сожидани жиноят устида қўлга олишди.

Жиноят ишлари бўйича Чирокчи тумани судида Сожида Темированинги жиноятни тафсилотларига ойдинлик киритилди. Қайд этилишича, Сожида Темирова 1985 йилда тутилган. Маълумоти ўрта махсус. Чирокчи тумани тиббиёт бирлашмасида маълумот берувчи (статист) бўлиб ишлайди. Оилали, уч фарзанди бор.

Сожида Темирова суд мажлисида айбига тўлиқ иқдор бўлиб, Юлдузни пулни тиббиёт бирлашмаси бошлиғига бераман деб алдаганини, аслида 350 АҚШ долларини ўз эҳтиёжга ишлатиш учун олганини маълум қилди.

Суд ҳукмига кўра Сожида Темировага 1 йилу 6 ой озодлиқни чеклаш жазоси тайинланди.

**Жамшид МИРОВА,**  
Чирокчи тумани прокурорининг ёрдамчиси

# ТЎҚҚИЗ ЎҒРИГА ХУКМ ЎҚИЛДИ

«Бекорчиликдан жиноятгача бир қадам» деб бежиз айтилмаган. Кички-наси йигирма, каттаси йигирма етти яшар марғилонлик ва қўштепалик судланувчилар ҳеч қаерда ишламаган. Яқинлари эрталабдан ярим тунгача, баъзан тонг отгунча қаерда юрганани, пулни қаердан олганини сўраб-суриштиришмаган. Бирон ишнинг этагидан тутмай устма-уст жиноят қилишлари билвосита сабабчи бўлиб қолишган.

Ўтган йил ноябрь ойида кўш-ниси шу кўчанинг ўзидаги бошқа уйга кўчиб ўтаётгани, ҳовлисидаги каптарларини кейин олиб кетмоқчи бўлганидан бохабар бўлган Кутбиддиннинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нияти бузилди. Тенгдоши Дурбекка унинг таклифи ёқиб тушди. Тун ярмидан оққанда кимсасиз ҳовлига кириб 21 та каптарни қопга солиб олиб кетти. Эртаси куни эрталаб қопни яшириб қўйишган қабристонга Муҳсин ва Зухурни чакиришди. Зухур танишидан «Дамас» машинасини кейин ҳақини беришни ваъда қилиб сўраб олди. Каптарларни сотгани Олтиариққа йўл олишди. Машинанинг гази тугаб аро йўлда қолишди. Кўштепа туманининг Ойимча маҳалласида яшовчи оғайнилари Матлабнинг уйига кириб боришди. Каптарларни унинг уйида қолдиришди. Битта каптарни Зухур олди. «Дамас»ни танишлари Солининг «Кобальт» машинаси билан тортиб кетишди. Кейинги куни боришганида товук қафасида куш патлари тўзиб ётганини кўришди. Матлаб «ит еб қўйибди» деди.

2020 йилнинг 25 февраль куни эрталаб соат тўққизда Кутбиддин, Дурбек, Матлаб, Зухур ва Тўракул Марғилон шаҳридаги автомобилларни ювиш шохчасида учрашди. Матлаб Кўштепа туманининг Сойбўйи

маҳалласида яшайдиган Тошанининг фермер кўшниси кўй боқади дея қизиқтирди. Зухур машина мендан дея Солининг «Кобальт» машинасини бир неча соатга сўраб олди. Бешовлон кечаси соат ўн бир яримларда Сойбўйига етиб боргач, Зухур билан Тўракул кўча бошида машинада қолди. Кутбиддин, Матлаб ва Дурбек оғидан кўтариб чиққан иккита қўйни «Кобальт»нинг юкхонасига жойлашди...

Эртаси куни эрталаб Зухур ва Дурбек қўйларни Фарғона туманидаги мол бозоридан 1 млн. 500 минг сўмга сотишди. Зухур автомобиль эгасига 120 минг сўм берди. Қолган пул ўғриллар ўртасида тақсимланди.

Галдаги йиғинда Матлаб шерикларини товук ўғирлаб пуллашга бошлади. Етти киши 6 март куни кечаси танишларидан қира ҳақини тўлаш эвазига сўраб олган «Дамас» ва «Спарк» машинасида Кўштепа туманининг Хумдон маҳалласидаги бокка бордилар. Товук ва ўрдакларни учта полиэтилен қопга солиб машиналарга ортиб, Марғилондаги автомашиналарни ювиш шохчасида қолдиришди. Эрталаб ўғирлик нарсалар Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзесидаги бозорда 1 млн. 300 минг сўмга сотилди. Пулни бўлиб олишди. Ўша куни Матлаб жиний шерикларини кўшнисининг уйдан қорамолни ўғирлашга бошлади.



6 мартдан 7 мартга ўтар кечаси соат бирда «Дамас» ва «Кобальт» автомобилида Кўштепа тумани Сойбўйи маҳалласига бориб, К.Ҳалимовнинг оғилидаги қорамолни олиб чиқиб «Дамас»га юклашди. Мол ўғирланганини айтиб, эрталабгача тура турсин дея аввалига қаршилиқ қилган, сўнг қўнган Илёсининг уйида қолдиришди. Тонгда қорамолни қандай пуллашни маслаҳатлашди. Тўракул Бағдод туманидаги мол олди-сотдиси билан машғул қариндошини эслади. Қорамолни «Дамас»га юклаб, Бағдод туманига олиб боришди. Тўрақулнинг қариндоши Олим ака мол ўғирланмаганим дея сўраб, тилхат ёзириб олди. Пули камлик қилиб, танишларидан бирига 3 млн. 750 минг сўмга сотиб берди. 3 млн. 450 минг сўмни жиянига бериб, 300 минг сўмни олиб қолди. Ўғриллар қорамол пулини тақсимлаб олишди.

Ўша куннинг ўзида Олим аканинг уйига ИИБ ходимлари келишди. Орадан икки кун ўтиб ўғриллар қамоққа олинди.

Видеоконференцалока режимида бўлиб ўтган судда қилмишларига тўлиқ ва қисман иқрор бўлган, айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиқланган ўғрилларга уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Ақбарали ЮСУПОВ,**  
Кўштепа тумани прокурорининг ёрдамчиси

## ҚАЙНОНА-КЕЛИН ЖАНЖАЛИ АЯНЧЛИ ЯКУНЛАНДИ

2020 йилнинг 5 май куни Бухоро вилоятининг Когон туманида қотиллик юз берди. 70 ёшли қайнона ҳали қирққа кириб улгурмаган келинини бошига темир билан уриб ўлдирди. Фожиага нима сабаб бўлди? Тергов жараёни ва суд мажлисида бунга ойдинлик киритилди.

Аввало, қотилликнинг қайнона-келин ўртасида содир этилиши – ўзбек аёллари учун жуда оғриқли ҳолат. Чунки оиласи, фарзандлари учун сув келса симириб, тош келса кемириб, ўзини ўтга-чўққа урадиган келинларимиз талайгина. Келинини қизидан аъло билиб, иззатини жойига қўядиган қайноналарнинг ҳам санаб адоғига етолмаймиз. Бу миллий қадриятларимизнинг бир кўриниши, холос. Аммо ҳар хил одам бор.

Шу йилнинг апрель ойида Санобар Зоированинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўғли ўз жонига қасд қилиб вафот этади. Шундан сўнг С.Зоирова ўғлининг ўлимига келинини сабабчи билиб, у билан кўп жанжаллашадиган бўлди. Келини Зарифа Шам-

сиева ҳам ундан қолишмас эди. Ўша куни тонгда қайнона идиш-товокларни ювиб ўтирган эди. Уйдан чиқиб келган келини билан гап талашиб, жанжаллашиб кетди. З.Шамсиева ҳам бир гапдан қолмади. Келиннинг заҳар гапларидан эса С.Зоированинг газаби қайнаб, ўзини босиб ололмади.

Шу орада келини ҳожатхонага кирганини кўрди ва ҳовлида турган темир қувурни олиб, унинг ортидан борди. Сўнг қувур билан унинг бошига бир неча марта урди. Қий-чувни эшитган қайнота югуриб келиб, ўртага тушган пайтда З.Шамсиеванинг жони узилиб бўлган. Бу орада онасининг бақирган овозини эшитган икки норасида бола ҳам воқеа жойига югуради. Яхшиямки, уларни буваси Мухтор Эркинов тўхта-

тиб қолади ва уйига киритиб юборади.

Қайнона газабини боса олмагани учун афсусланди, бироқ энди кеч бўлган. Бошини чангаллаганча бир четда ўтирган қайнона нафақат ўзига, балки икки набирасига ҳам жабр қилди. У уйдан чиқиб, ИИБга борди ва бўлган воқеани айтиб берди.

10 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судида бўлиб ўтган мажлисда С.Зоирова қилмишидан пушаймонлигини, оғир жиноят содир қилганини тан олди ва қонуний энгиллик беришни сўради. Суд уни айбдор деб топди ва 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Атрофимизда қайнона-келинларнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам бор, бунинкор қилиш қийин. Қайнона-келин муаммоси ҳақида гап кетганда айбни бир кишидан излаш нотўғри. Муносабатларнинг ёмонлашишига эса ўзимиз сабабчимиз.

**Хамроқул АБДИЕВ,**  
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85**



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart.  
[i] – tijorat materiali.

Buyurtim v 4398.  
15 089 nusxada bosildi.  
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: KASQAROV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

**Буюк Британияда COVID-19'ни бир неча сонияда аниқлайдиган тест ишлаб чиқилди.**

5-NOYABR 2020-Y.  
HUQUQ № 44

(1241)

11

# ТҮЙДАН БОШИМИЗ ЧИҚСИН!



Яқинда тўй қилган танишимни учратиб қолдим. Тўйи жуда зўр бўлганини ғурурланиб гапирди. «30 кишини чақирдингизми?», – сўрадим ундан. «Битта-ю битта ўғлим бўлса, бутун маҳалланинг тўй-маъракасида йиллар давомида қатнашиб, тўёнларни бериб қўйган бўлсак, бир ҳовуч одам билан ўтказайми тўйимни? – дея саволимга савол билан жавоб қайтарди у.

– Тўёнларни йиғиштириб олмаймизми? Қолаверса, турмуш ўртоғим билан давлат ишида ишлаймиз, ҳамкасбларимизнинг ўзи олтиншдан зиёд бўлди. Бу ёқда уруғлар, куда-андалар, келин ва куёвнинг ўртоқлари, хуллас, санаб адоғига етиб бўлмайдиган даражада меҳмон келиди!». Аёлнинг кўшимча қилишича, маҳалла раисига бошқа маросимларни, жумладан, турмуш ўртоғининг элик ёшга тўлиши, неварасининг суннат тўйини ҳам қўшиб нишонлаётганини айтишибди. Шунинг учун одам кўп бўлса-да, раис ёнинг деёлмабди.

Дарҳақиқат, карантин талаблари юмшатилиши билан 30 кишидан ошмаган меҳмонлар иштирокида тўй ва маросимларни ўтказишга рухсат берилган. Афсуски, айрим ҳудудларда карантин қоидалари буткул унутулаётган. Савол туғилади: 30 кишилик тўйга юзлаб одамларни чорлаш билан кимни алдаяпмиз? Тўй-ку бир кунда ўтади, аммо у ерда тўпланганларнинг касаллик юктирмаслигига ким қафолат беради? Бу борада қачон қатъий назорат ўрнатиллади?

## КИЧИК ТҮЙЛАРДА КАТТА МАБЛАД ТЕЖАЛАДИ

Халқимиз азалдан тўйсевар. Ҳатто дуосида ҳам «топганинг тўйга буюрсин», «тўйдан бошинг чиқмасин» деб тилак

билдиради. Бирок топгани тўйдан ортмай бошига не савдолар тушганлар ҳам, бир фарзанднинг тўйи учун олган қарздан қутулмасидан бошқасининг тўйини бошлаганлар ҳам, қарзини узолмай ёши бир жойга борганда олис юртга ишлашга кетганлар ҳам шу халқ фарзандлари. Шундайлар ҳақида эшитганда «Тўйдан бошимиз чиксин!» деб юборгинг келади. Ахир қачон катта мақсад билан, майда-чуйда ҳақаслардан ўзиб яшаймиз? Пандемия даврида тўйлар тўхтаб, хулоса қилишга ҳаммада имкон туғилди. Ихчам тўйларда катта пуллар тежаллиши, уни тўғри сарфлаш мумкинлигига одамлар амин бўлишди. Аммо вазият юмшаб, тўйларга рухсат берилиши билан яна исрофгарчиликлар бошланиб кетди...

Дунёга назар солсак жадал тараккиётини кўраемиз. Оддий мисол, «Tesla» ва «SpaceX» компаниялари асосчиси Илон Маск дунёни хайратга солувчи ихтиролар – матрни таржима қилиши, суҳбат қуриши, шеър ёзиши ва ҳатто гоят мавҳум саволларга ҳам жавоб бериши мумкин бўлган сунъий оғт технологияси, Ойга учувчи хусусий ракеталарни яратди ва бундан ҳам хайратомуз инновациялар устида бош қотирмоқда. «SpaceX» сайёрамизнинг исталган бурчагидан улашиш мумкин бўлган кенг полосали интернет тармоғини яратиш учун 1-босқичда орби-

тага 12 мингта сунъий йўлдош жойлаштиришни ва 2-босқичда уларнинг сонини 30 мингтага етказиб, ер юзи аҳолиси учун интернетни бепул қилишни режалаштираётти. Бизнинг фарзандлар илм-маърифати билан дунёни ёритган буюкларнинг авлодлари дабдала тўйлар, сарпо-суруқлар, арзон-қиммат мебеллар дарлида, улкан қозонлар ясаб ёки тонна-тонна ош дамлаб рекорд қўйиш каби саёз «орзу-мақсадлар» ичида ўралашиб қолгани ачинарли эмасми?..

## ЖОН КУЙДИРИШ КЕРАК БЎЛГАН МУАММОЛАР КЎП

– Тўйларни дабдалаи ўтказган билан оилалар мустаҳкам бўлиб қолмайди,

– дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош мутахассиси Ўғилой Ҳўзова**. – Бундай тўйлар айрим хонадонлар ҳаётига акс таъсир қилади. Кимўзарга ўтган тўйдан кейин олинган қарзни тўлаш ҳам бор. Ўрганишларда янги ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг аксариятида эртанги кун тўғрисида аниқ фикр шаклланимагани ҳам ойдинлашди. Баъзи ёшлар ўз олдига оддий мақсад қўйишни ҳам билмади. Улар учун тўй «Бобом тўйимни кўрсин, момом тўйимда ўтирсин» қабилидаги мажбуриятга айлангандек. Йиғит-қизларнинг аксарияти оиланинг тартиби қандай, у қандай қурилади, оила иқтисодийети нимадан иборат, оила

қандай бошқарилади, келин ўзини қандай тутиши, куёв нималарга масъул эканини тўлик англамайди. Бу эса оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлаёттир. Агар катталар бир кунлик тўй учун эмас, ёшларнинг оила ҳақида теран тушунчага эга бўлиши учун жон куйдирганида ажралишлар ҳам қамаярди.

Яширишнинг ҳождати йўқ, тўйларни 30 киши билан ўтказиш талабини назорат қилиш тизими ҳали ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун маҳалла раиси ва профилактика инспектори қанчалик қаттиқ турмасин, қўйилган талабини бажариш мураккаблантича қолмоқда. Демак, ҳали кўп нарсаларни ўзгартиришимиз керак экан.

## ТҮЙ ЎТГАНДАН КЕЙИН БЕФОЙДА...

Коронавирус пандемияси ортага чекинаёй демаяпти. Бунга маълум маънода тўй-севарлигимиз ҳам сабабчи. Ҳаво орқали, саломлашганда қўлларимиз орқали юқадиган бу вирусни тўхтатишнинг узил-кесил чораси топишгунча кўпчилик бўлиб бир жойга тўпланмаслик, тўй ва бошқа маросимларни ихчам ўтказиш каби талабларни бажаришга мажбурмиз.

Маълумки, 2019 йилнинг 14 сентябрида, яъни пандемия юзага келишидан анча олдин Олий Мажлис палаталарининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган. Қарор ижроси учун жойларда махсус штаб ташкил этилди. Агар ана шу штаб, яъни махсус комиссияларга тўй-маъракаларни назорат қилиш, аниқланган қоидабузарликлар бўйича чора қўриш ваколати берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Рейдлар уюштириб, қоидабузарликларни аниқлаш, айбдорларни қатъий жазолаш ҳам вазиятни ўзгартириши мумкин. Акс ҳолда 30 кишилик тўй деб ўзимизни ўзимиз алдаб, коронавируснинг ёйилишига хисса қўшиб юрaversамиз.

Дарвоқе, тўйларнинг нафақат пандемия туфайли жорий қилинган карантин даврида, балки одатий ҳаёт тарзига қайтганимиздан сўнг ҳам ихчамлаштирилиши ҳар томонлама фойдалидир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,  
«Нидо»

# 30 КИШИЛИК ТҮЙ 25 КУН...

– Икки кундан кейин тўйга боришим керак. Қандай кийим олсам экан-а? Яхшиям бозорлар очилди, – деди ҳамкасбларимдан бири. – Ҳоҳлайсизми, сизни ҳам кизлар базмига олиб бораман. Туманимизнинг энг обрўли талбиркорларидан бири тўй қилаёпти. Борсангиз афсусланмайсиз.

– Ҳа йў-а. Танимаган одамимнинг тўйида нима бор менга? Буюғи карантин бўлса.

– Вой, бу нима деганингиз? Карантин тугаганидан хабарингиз йўқми дейман. Ҳамма орзу-ҳавас билан тўй қилаёпти. Шу десангиз, тўй бошлаган танишим роппа-роса 25 кун тўй берар экан. Биринчи ўн кунлигига чақирсанг, энг катта тўёнани мен бераман дедим. Қалай, тўй айтибманми? Ҳаммаям энг биринчи обрў-эйтиборли, ўзига тўқ кишиларни саралаб чақиради. Ундан кейин қолганлар келаверади. Аслида 30 кишилик тўйга рухсат берилган-ку. Шу ҳисобда 30 кишилик тўй вақти бир ойгача чўзилиши мумкин. Бунинг устига танишимнинг ошна-оғайниси, уруғ-аймоғи кўп. Уларни бўлиб-бўлиб чақиради-да. Ҳар қалай вақтида улар ҳам тўйларга бориб, тўёна беришган. Энди ўшани қайтариб олиши керак-ку!

Ана сизга мулоҳаза-ю дунёқараш. Шунақаси ҳам бўларкан. 25 кун кимга тўй беради? Карантин ҳали тугагани йўқ, чекловлар бироз юмшатилади, холос. Яқин 25 йил ичида 25 кун тўй беришганини эшитганим йўқ. Кўп бўлса уч кун тўй беришган. Ўзи ҳамюртларимизга нима бўлаёпти? Берган тўёнасини йиғиб олиш учун 25 кун тўй берса-я. Синовли кунда орзу-ҳавасимизни бир четга суриб, соғлигимиз ҳақида ўйлаш вақти келмадимикан.

– Бугунги синовли кунлар кимлар учундир фойда, кимлар учундир зарар бўлмоқда, – дейди ҳамкасбларимдан бири. – Бечора дехқонлар етиштирган маҳсулотини вақтида сотолмади. Фарзандимнинг ўкин пулини тўлайман деб ерга уруғ эккан дехқоннинг пешонасидан чиққан қора терга ачинасиз. Улар уруғ учун сарфлаган пулини ҳам чиқаролмади.

Энди қирақашлар ҳақида айтадиган бўлсам, уларнинг ошиғи олчи бўлди. Бир қадам йўлга ҳам уч-тўрт минг сўмдан олишди. Инсофни унутиб қўйишган. Бир ой ишлаб олган 600 минг сўм маошим йўлқирага етмайди.

Тўғри, ҳамманинг ҳам ўзига яраша орзу-ҳаваси бор. Бир умр тўй қилай, халққа ош берай деб тинимсиз меҳнат қилади. Болаларимни бекамму кўст улғайтирай, уларнинг камолтини кўрай деб ишлайди. Аммо ўша орзу-ҳаваснинг ҳам чегараси, ўрни бор.

Нигина ШОЕВА,  
журналист